

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
АРХИТЕКТУРА факультети
“АРХИТЕКТУРА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ” кафедраси



ШАРХНОМА

МАВЗУ: «ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯНГИ ЙЎЛ ТУМАНИ “ЮГАН ТЕПА”
АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИГИНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТИ ВА ГРАФИК
ТИКЛАШ ЛОЙИХАСИ»

Гуруҳ: 1-10 Ау
Бажарди: Абдухалилова М.Ғ.
Раҳбар: проф. Салимов О.М .
Маслаҳатчи: доц.Зиёев А. А.

Тошкент– 2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АРХИТЕКТУРА факультети

“АРХИТЕКТУРА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ” кафедраси



«ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯНГИ ЙЎЛ ТУМАНИ “ЮГАН ТЕПА”
АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИГИНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТИ ВА ГРАФИК
ТИКЛАШ ЛОЙИҲАСИ»

АБДУХАЛИЛОВА МАРҒУБАХОН ҒУЛОМЖОН қизининг

5580100 - “АРХИТЕКТУРА” таълим йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун

“Янги йўл туманидаги “Ниёзбош” шаҳарчасининг
шарқий ҳудудида жойлашган “Юган тепа”
шаҳрининг умумий кўриниши” мавзусидаги битирув
малакавий иши.

1-бўлим

Гуруҳ: 1-10 Ау
Бажарди: Абдухалилова М.Ғ.
Раҳбар: проф. Салимов О.М .
Маслаҳатчи: доц.Зиёев А. А.

Тошкент– 2015

МУНДАРИЖА

Сўз боши	4
Тарихий - архитектуравий бўлим.....	6
1.1. Юган тепа шаҳрининг тарихий босқичлари.....	7
1.2. Ижтимоий ва маданий ҳаёт.....	22
1.3. Тарихий ҳудудининг ҳозирги ҳолати.....	30
Юган тепа шаҳар ҳудудининг таҳлили.....	33
П.1. Шаҳар Қалъаси аҳамияти ва вазифалари	34
П.2. Бино ва иншоотлар меъмورлиги	38
Архитектуравий бўлим.....	52
Юган тепа комплексининг график реконструкцияси.....	53
Тарихий ҳудуднинг ҳозирги қиёфаси.....	57
Юган тепа комплекси умумий кўринишининг дастлабки реконструкцияси	
Юган тепа комплекси қиёфасини ўхшатмалар (аналоглар) асосида	
аниқлаш.....	60
- Шош тепа.....	61
- Юнусобод Оқтепа.....	68
- Минг ўрик.....	73
ХУЛОСА.....	79
Конструктив бўлим.....	82
Кўлланилган ёпмалар, Деворла.....	83
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	87

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон узок тарихга, ўзига хос маданият, дину- манавиятга эга бўлган кўпгина буюк шахслар, алломалар етишиб чиккан мукаддас заминдир. Қадимдан мамлакатимизда илм фан ривожланган шу сабабдан мамлакатимиз тараккий этиб борган ва ўз навбатида дехкончилик хунармандчилик ва кўпгина меморчилик ҳам ривожланиб борган.

Кўпгина масжидлар, мадрасалар, турар-жойлар ва бозорлар курилиб аста секин ривожланиб шаҳар ва Қалъалар кўрғонлар вужудга келган. Кўп мамлакатлар каби шаҳар ва кишлокларнинг тараккий этиши ундаги иктисод ва сиёсат илм - фаннинг юкори чўккиларга эришилганлигини тарихдан яхши биламиз бу ҳолат бизнинг мамлакатимизнинг кўпгина тарихий шаҳарларида намоён бўлганлигини бизларга сир эмас. Хива, Бухоро, Самарканд, Қарши, Кўкон, Тошкент каби қадимий шаҳарларимизда қурилган кўпгина тарихий обидалар ўша даврлардан бизгача сақланиб келган.

Юрт бошимиз И. А. Каримов айтганларидек, "Ўз тарихини билмайдиган кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўк", бу ҳақиқат кишилиқ тарихидан кўп бора ўз исботини топган. Яна шуни такидлайдиларки биз халқимизнинг дунёда ҳеч кам бўлмаслиги фарзандларимизнинг биздан кўра кучли билимли доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз бу борада манавий тарбия масаласи ҳеч шубҳасизбекиёс аҳамият касб атади.

Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни катият ва масулиятимизни йўкотсак бу ўта муҳим ишни ўз холига ташлаб кўядиган бўлсак мукаддас қадриятимизга йўғрулган ва улардан озикланган манавиятимиздан тарихий хотирамиздан айрилиб охир оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий таракқиёт йўлидан четга чикиб қолиш мумкин.

Шу сабабли биз ўз тарихимизни янада яхши билишимиз биз учун муҳум заруратдир. Юкоридаги фикрларни назарда тутган ҳолда биз узок тарихимизга назар солган ҳолда Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги тепаликлар меморлигини ёритиб бериш улардаги тарихий жараёнларни билиш

улар аслида нима ва уларнинг максоди, роли ва вазифаларини аниклаш керак деб олдимизга мақсад қўйдик ва вазифаларимизни ҳам аниқлаб олдик. Мақсадимиз Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги тепаликлар меморлигини аслида улар нималигини билишулардаги ўзига хоскисларини ажратиб қўрсатиш вазифаларини аниклаш ёдгорликларни ўрганиш қайта тиклаш муҳофаза қилишдир.

Вазифаларимиз тарихий шаҳарларидаги тепаликлар ўрганиш уларни ўзига хос хусусиятлари уларни бир - биридан фарқиўхшашлиги уларнинг аҳамиятини қўриб чиқиш ва шу билан бирга Янги йўл туманидаги Низбаш шаҳарининг шарқий ҳудудида жойлашган Юган тепа шаҳарининг бошқа тепаликлар билан солиштириш ва ўрганишдан иборатдир.

ТАРИХИЙ - АРХИТЕКТУРАВИЙ БЎЛИМ

Раҳбар:

Салимов О.М.

Битирувчи:

Абдухалилова М.Ғ.

1.1. Юган тена шахрининг тарихий босқичлари

Дастлабки шаҳарлар тўғрисидаги маълумот зардуштийлар китоби “Овасто”да мавжуд. Унда “Вар” тўғрисида гап юритилади. Ибора суғд тилида “қўрғон” маъносини билдиради. Шу даврларда пайдо бўлган истехкомлар номларига ҳам ўткан- “Далварзин”, “Варахшоҳ” каби.

Овастода яхшилик, эзгулик маъбуда Ахура Мазда подшоҳ Жамшидга “вара” қуришни буюради.

Овасто матни бўйича у даврдаёқ, ирригация алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги намоён бўлади. Бир ариқдан сув ичган манзилгоҳлар ўз номига эга бўлган. Бундай манзилгоҳлар туркуми ҳам махсус ном билан аталган. Манзилгоҳларни туркумга бирлаштириш кейинчалик рустоқлар шаклланишига олиб келди.

Милоддан аввалги VIII-VI аср 2-ярмида юқорида зикр этилган минтақаларнинг ҳудудларининг ҳар бири майдароқ воҳаларидан ташкил топган эди. Масалан, Марф воҳаси 5 майда воҳалардан иборат эди.

Шимолий минтақа. Шимолий Парф ерларида истехкомлар кўп бўлган. Уларни 3 тоифага ажратиш жоиз: 1-қалъали, йирик (мас.Елкантепа); 2-қалъасиз, ўртача катталиқдаги (майдонни 1 га дан ошадиган) ва 3-кичик (майдони 1 га дан ошмаган) истехкомдир.

Марғиёнанинг истехкомларини ҳам уч турга ажратиш мумкин: 1-қалъаси бўлган Ёзтепа каби йирик, 2- қалъасиз, майдони 1 га дан ортиқ бўлган йирик ҳамда 3- кичик истехкомлар.

Милоддан аввалги VII-VI арслар Шимолий Марғиёнинг энг ривожланган даври эди. Шу вақтда Мурғобнинг ён ариғи Розик бўйида Эрк қалъа ва Говур қалъа ўрнида истехком пайдо бўлди. У қўрғон девор билан ўралиб овал шаклида 400-500 м эди. Девордан ташқари Жанубга ва шарққа ҳам қурилмалар давом этган эди. Шаҳарнинг умумий ўлчамлари 1800 х 500 м бўлиб шаҳарлар қаторида эди.

Шимолий Марғиёнанинг пойтахти Ёзтепа 700 х 400 м ўлчамли эди. Шаҳар ичида сув таъминоти шаклланди. Тарихчилар шу шаҳарни баён этишган эди. Бутун истехком атрофи девор билан ўралди. Шимолий-ғарбий бурчаги кетмик, чунки бу ерда Розик ариғи ўтган эди. Ғарбий ва қисман Шимолий жойларда ариқ чуқур бўлиб ҳандақ вазифасини ҳам ўтаган. Ундан Шимолий-Ғарбий ва Шимолий-Жанубий қисмларда ҳандақдан вариқ ўтказилиб шаҳарга сув берилган.

Сераҳс воҳаси Энеолит давридаёқ ўзлаштирилган. Инсоннинг иккинчи ўзлаштириш даври Эски Сераҳс фалъасининг ўрнида бўлган манзилгоҳда ўз аксини топган. Манзилгоҳ томонлари 300-320 м бўлган нотўғри бешбурчак шаклига эга. Атрофини ўраб турган 1.8 м баландликдаги дўнглик қўрғон девор қолдиқлари бўлиши мумкин.

Шимолий Бақтра истехкомлари ичидан 4 тоифадагилари учрайди. 1-шаҳар тариқасида шаклланаётган йирик манзилгоҳлар Қизилтепа истехкоми бу тоифага киради. У қалъали бўлиб, умумий майдони 30 га атрофида бўлган. Миллоддан аввалги VIII-VII асрларда вужудга келган. Миллоддан аввалги VI асрда қўрғон девори қурилган. 2- қалъа ва атрофи девор билан ўралмаган манзилгоҳлар. 3- каттагина, майдони 10 га гача атрофида бўлган тарқоқ ҳамда деворсиз манзилгоҳлар. 4- майда, майдони 0.5 га гача атрофида бўлган манзилгоҳлар.

Жанубий минтақа. Фарғонада миллоддан аввалги 2- ва 1- минг йилликларда чегарасидан миллоддан аввалги VI асргача Чуст номи билан аталадиган илк темир маданияти шаклланиб унга мансуб бўлган 80 га яқин ёдгорлик мавжуд. Манзилгоҳлар катта ариқ ва уларнинг тармоқлари атрофида водийларда жойлашган. Воҳалар ораси 20-30 км ни ташкил қилган. Улар: Узган (9 манзилгоҳ), Қорасув (24 манзилгоҳ), Това-Косонсой (8 манзилгоҳ), Қорадарё ва Хўжаобод воҳааридир. Баъзи воҳаларда марказий манзилгоҳлар мавжуд эди. Уч хил катталиқдаги манзилгоҳлар учрайди:

1-йириклари (12-25 га, Ашқолтепа ва Далварзин);

2-ўртачалари (4-5 га, Чуст, Деҳқон);

3-майдалари (0.02-0.9 га Кўпчилик манзилгоҳлар).

Далварзин майдони 25 га га тенг. Уч қисмлардан иборат бўлган. Ҳар бири ўз қўрғон деворига эга бўлган. Қалъанинг майдони 2 га бўлиб кўп жойларида ҳеч нарса қурилмай қолган. Бир неча турар жой мажмуалари эса ички девор қурилган эди. Турар жойлар маҳаллалар майдони 8 га; орасидаги сайхонлик (5 га) чамаси ўртача мол учун кўра вазифасини ўтаган.

Чуст- каттагина манзилгоҳдир. Икки бўлакдан иборат. Каттарок бўлгани қўрғонсиз эди; фақат кичикроқ бўлаги (1.5 га) қўрғон деворга эга бўлган. Қўрғонли бўлак қалъа сифатида ёки уруш вақтида кўра сифатида фойдаланиладиган жой бўлиши мумкин.

Қўрғон деворлар фақат йирик ва ўртача манзилгоҳларда (Далварзин ва Чустда) кейинчалик пайдо бўлган.

Сўнгги йиллардан тадқиқотлар Суғд бўйича бу даврга оид археологик материаллар мавжудлигини кўрсатди. Уларга асосан Қарши ва Самарқанд шаҳарларининг 2750 йиллик юбилейлари ўтказилди. Самарқанд шаҳарининг вужудга келиши Кўктепа ва Афросиёб билан боғлиқдир. Кўктепанинг пайдо бўлиши миллоддан аввалги VIII га бориб тарқалади. Афросиёб қўрғон деворининг энг пастдаги қатламлари миллоддан аввалги VIII га оид эканлиги аниқ бўлди.

Аҳамонийлар даврида шаҳарсозлик ривожига юқорида қайд этилган минтақаларда бир хил бўлмади. Жанубий минтақада олдинги даврдагидек бир маромда кечди. Шимолий минтақада ҳамда юқорида бирор минтақага қўшилмаган Суғдда ва Хоразмда шаҳарсозлик (меъморлик ҳам) олдинги даврларга нисбатан жадалроқ маромда ўтди. Жанубий минтақани ташкил этган Фарғона, Тошкент воҳаларида ҳамда Устуршана қатор манзилгоҳлар пайдо бўлди.

Фарғонада Чуст маданиятидан кейин Элатон маданияти миллоддан аввалги VI-I асрларда деб тахмин қилиш мумкин қарор топди. Элатон ғарб-шарқ йўналишида чўзилган. Икки қатор деворли. Ички ўлчамлари- 500 x 400 м. тахминга кўра истехком алоҳида турган қурилмалардан иборат қарор топди.

Атрофларида сайхонликлар бўлган. Узун (11 м) ва тор (3 м) хонали бино очилган. Унинг пахсасининг эни 0.8-0.9 м бўлган. Манзилгоҳнинг бу қисми девор билан қуршалган. 60 м ташлаб буржлар қилинган. Девор эни 4 м бўлган. Девор гуваладан (оралиғлари лой) ишланган. У суфа устида қурилган. Элатоннинг дарвоза олди очилган. Шаҳар деворининг эни – 4 м, хом ғиштдан ишланган. Бурж девордан 4-5 м туртиб чиққан (10.5x10 м). Бурж гуваладан ишлаган суфага қурилган. Бурж ичи ҳам урилган. Фақат шимоли-ғарбий буржда кичик (3x2 м) хона бўлган. Унинг киравериши (0.9 м эни) дарвоза томонга қараган.

Ички девордан 500 м нарида ташқи девор қолдиқлари сақланган. Унда ҳам буржлари бўлган. Девор шимолда 2 км узунлигида, Шарқда эса 200 м узунликда сақланган. Тахминга кўра жануб томондан, ариқ тарафида қўрғон девор ҳеч қачон бўлмаган. Икки қатор қўрғон девор оралигида ҳеч қандай қурилма бўлмаган.

Тошкент воҳасида Бурганлик маданияти қарор топган бўлиб тадқиқотчилар унинг икки босқичини ажратадилар: Бурганлик 1-миллоддан аввалги IX-VII асрлар; Бурганлик 2- миллоддан аввалги VI-III асрлар.

Унга яқин Бурганлик манзилгоҳлари мавжуд. Туябугиз-1 манзилгоҳи нисбатан яхши сақланади. Тархи овал (260 x 100 м) шаклида. Уч томондан ҳандақ билан ўралган эди.

Устуршона маданияти Суғд билан чамбарчас боғланган эди. Милоддан аввалги VII асрда Нуртепа манзилгоҳи вужудга келган.

Устуршонада олдин зикр этилган Нуртепа истехкомида майдони 18 га миллоддан аввалги VI-V асрларда ташқи қўрғон девор қурилади. Унинг эни 4.3 м. У соз тупроқ тепалигидан фойдаланиб ишланган. Ички пахса деворининг эни 2.1 м. Тепалик тупроқ девор билан пахса оралиғида эни 1.4 м бўлган рахрав ўтади. Ўша вақтда ҳам миллоддан аввалги VI-V аср қалъа девори қурилган. Унга ҳам табиий соф тупроқдан фойдаланилган. Унинг устидан пахса девор ишланган. Эни 5.5 м. Устидаги деворга хом ғишт ишлатилган.

Хозирги Уратепа шаҳарни ва унинг табиӣ тепалиги бўлган Мухона қалъасини ёзма манбааларда зикр этилган айрим тадқиқотчилар. Кўрукада Кирезхада, Киропел деб тахмин қиладилар. Шу ёзма манбааларга кўра Кўрукада пахса ва паст девори бўлган қалъасининг ҳам айрим қўрғон девори бўлган.

Хўжанд Уструшона билан Фарғона чегарасидаги милоддан аввалги VI-V асрларда вужудга келди. Тўсиқ ва қўрғон девор қолдиқлари мавжуд. Қалъа девори паст қисмида пахсадан, юқориси хом ғиштдан ишланган. Қалъанинг бошқа ерида 2 м ча баландликда табиӣ дўнгликдан фойдаланилган, сўнг қум-тош қатлами, текис қилиб берилган, устидан хом ғишт ётқизилган. Суғдда Аҳамонийлар даврида шаҳарсозлик ишлари интенсив равишда давом эттирилди. Бу айниқса Афросиёб мисолида ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Хоразмда Аҳамонийлар даврида барпо бўлган Кўзали қир ва Қалъали қир шаҳарлари алоҳида ажралади.

Кўзали қир истехкоми (шаҳари) милоддан аввалги VI-V асрларда Эрон, Жанубий Туркменистондан келадиган йўл ёқасида вужудга келган. Бир томони 1000 м, иккинчи томони 700 м масофаларни ташкил топган учбурчак шаклида қурилган.шаҳар ичини асосан сайхонлик эгаллади. Параллел кетган уч қатор девор билан ўралган чамаси хавф-хатар туғилганда аҳолининг подалари бу қалъа ичида келтириб қўйилган. Қадимги Хоразм тадқиқотчиси С.Толстой бундай шаҳарларнинг қўрғон деворларнинг ичи турар уйлар вазифасини ўтаган деб тахмин қилган эди. Кейинчалик шаҳардаги қўрғон деворлар фақат муҳофаа қурилмалари эканлиги маълум бўлди.

Аму дарёнинг чап қирғоғида милоддан аввалги V-IV асрларда Қалъали қир истехкоми шаҳари вужудга келган. Шаҳарчани Чарманёб ариғи сув билан таъминлаб турган. Тархи тўртбурчак 1000 x 700 м шаклига эга. Буржи, дарвоза олди алоҳида муҳофазаланган ҳамда мустаҳкам қўрғон девор билан ўралган эди. Истехкомнинг ғарбий қисмида, қўрғон деворга туташтириб сарой мажмуаси умумий майдони- 10500 м² қурила бошланган, бироқ охирига етказилмаган. Милоддан аввалги III асрда ташлаб кетилган.

Антик давр шаҳарсозлиги аҳамонийлар давридан сўнг бошланади. Искандар Макдуний (Македониялик Искандар, Искандар Зулқарнайн деб ҳам аталади) ўз юришларини милoddан аввалги 329 йилда бошлаган. Комол техникасига эга бўлган. Бу ўша даврда барпо этилган шаҳарларнинг тузилишига ҳам таъсир этган. Умуман олганда Марказий Осиё шаҳарлари эллинистик шаҳарсозлик ривожига ўз салмоқли хиссаларини қўшган.

Шимолий Парфнинг археологик ёдгорликлари 4 белги: қалъа мавжудлиги, қурилмалар тизими структураси, уларнинг зичлиги, ҳунармандчилиги, майдони бўйича уч хилга ажратилади. Улар: шаҳар сифат истехкомлар, қишлоқ сифат истехкомлар ва махсус ёдгорликлардир.

Шаҳарсимон манзилгоҳлар бўлиб қўрғон деворли майдони 4 гектардан ортиқ, ичида қурилмалар зич ва ҳар хил, ҳунармандлиги мавжуд, қалъа ажралиб турадиган бўлади; шаҳар тевараги деворли ҳам, деворсиз ҳам бўлиши мумкин.

Янги Нисо, Ашхабоддан 18 км ғарбда жойлашган. Қалъа шаҳарнинг асосий қисми тевараги рабоддан иборат. Қалъа табиий дўнгликда барпо этилган. Шаҳарнинг умумий майдони 18 га, шаҳарнинг Жанубий-Ғарб қисмида авом камбағаллар маҳалласи, Шимолий-Шарқ қисмида эса зодагонлар қабристони мавжуд. Рабод ҳам девор билан ўралган бўлган. Қурилмалар сийрак. Янги Нисо аввалги манзилгоҳдан ўсиб чиққан мисолидир.

Янги Нисодан фарқли ўлароқ Кўҳна Нисо Михридаткирт тарҳи мунтазам шаклни-бир томони кесик тўғри тўртбурчакни беради. У тепаликда платформада барпо этилган. Қўрғон девори буржалари бор. Ичидаги бинолар бир-бирига уланиб кетган. Чамаси милoddан аввалги 171-138 йилларда подшоҳ Митридат томонидан асос солинган.

Шаҳарсимон манзилгоҳлар томонига яна Кўҳна Каахка, Яримтепа, Анов, Гўктепа киради.

Қишлоқсимон манзилгоҳлар турлари бешта: 1-зич қурилмали манзилгоҳ масалан Капалактепа, 2-йирик ҳовли ёки қўрғон масалан Эгди қалъа, 3-кичик ҳовли масалан Кушатепа, 4-тарқоқ манзилгоҳ масалан Кари

кориз ва 5-қалъали, тарқоқ манзилгоҳ масалан Эзгант муюлишидаги манзилгоҳ.

Махсус ёдгорликлар шаклан шаҳарсимон Кўҳна Нисо ва Мансуртепа махсус ёдгорликлардир.

Мансуртепа майдони 20-30 гектарни ташкил қилади. Тарҳи тўғри тўртбурчак шаклида. Деворлари бир вақтда қурилган эмас. Шарқда, девор ўртасидаги қурилмалар дарвоза вазифасини ўтаган. Шу томонидан икки биришимолда, иккинчиси-жанубда ибодатхоналар мавжуд. Ғарб томонидаги қурилма 50 x 40 м ўлчамларга эга. Ҳовли майдони- 1,2 га.

Серахс воҳасида аввалги архаик даврдаги ариқларнинг ўрнига калта, лекин зич каналлар пайдо бўлади.

Эски Серахс ўзининг аввалги ҳолатини сақлаб қолган эди: қалъа ўрнида қўрғонли марказ пайдо бўлди. Теварагидаги қурилмалар шаҳристон қўрғон деворсиз қолган.

Қишлоқ манзилгоҳлар икки хил бўлган: 1-ташқи деворли масалан Қуйруқли тепа; 2-ташқи деворсиз масалан Мангли тепа, Оқчатепа ва бошқалар.

Мурғоб воҳасида Марғиёнада “шоҳ йўли” катта аҳамиятга эга бўлган. У Парфнинг ғарбидан келиб бу ерда кескин бурилиб Ориё ва Сеистонга кетган. Искандардан сўнг бу ерда Марғиёна Искандарияси ва 6 истехком барпо этилади. Кейинчалик Антиох Салавқийлар сулоласидан Искандарияни бузиб қайта тикланди ва унга Антиохия номи берилди.

Овал шаклидаги Эрк қалъа вазифасида шаҳарга кирди. Девори қайта қурилди, 4 дарвозаси мавжуд эди. Шаҳар ичи қайта ривожланди. Жанубдаги ариқ м.а. VI асргача сув берган ўрнида уйлар кўпаяди.

Милоддан аввалги III асрда шаҳар тевараги ҳам «Гиляқин»- Чилбурж катта девори билан ўралади. Шаҳарнинг умумий майдони тахминан 60 км² га етди.

Милоддан аввалги II аср. Эрк қалъа деворида Марғиёна ҳокимининг саройи қурилди. Милодий I-III а. шаҳарнинг энг ривож топган девори. Ўша

вақтда қурилмалар энг зич бўлган даври эди. Девор қайта тикланди, хунармандчилик маҳаллалари ажралди: ўртада кенг хунармандлик чамаси давлат хўжалиги эҳтиёжи учун комплекси, шимолий дарвоза ёнида унчилар, ўртада ва шарқда кулоллар устахоналари вужудга келади.

III асрда қисқа муддатли тушкунлик рўй беради. Эрк қалъа ва Говур қалъа қайта қурилади. Эрк қалъадаги сарой тубдан қайта қурилади. Эски хоналарнинг ичлари тўлғазиб янги қурилмалар суфа вазифасида фойдаланилади. Ўша вақтда аслахоналар арсенал ҳам пайдо бўлди. Говур қалъа ичида ўзгариш бўлмади. IV а. охирида инқироз бошланди. Қўғайтада жонланиш Сосонийлар даврига тўғри келди. Воҳада бундан бошқа йирик шаҳар бўлмаган.

Чамаси илк антик даврга тегишли Ёзтепа III даврга тегишли манзилгоҳлардан Эски Кишмон ўрнидаги манзилгоҳ нотўғри овал шаклида бўлган. Умумий майдони 112 га ни ташкил этган. Икки жойда дарвоза ўрни бор. Манзилгоҳ кичикроқ ноҳия маркази деб фараз қилинади.

Аму дарёнинг ўрта оқими Ўрта Амударё шимолий-ғарбдан, жануби-ғарбдан жануби-шарққа қараб жойлашган Чоржуй, Қорабековул, Бешир, Керки, Мирзабек воҳаларини ўз ичига олади.

Ўрта Амударёда 5 хил истехкомлар учрайди: 1. қалъали шаҳарсифат истехкомлар масалан тарҳи доирага яқин бўлган. Удейтепа, Қутнамқалъа – қалъаси шаҳардан шимолдан туташган, Хўжа қундуз шимол-жануб йўналиш диоганал бўйича кетган; 2- қалъасиз шаҳарсифат истехкомлар масалан-тарҳи овалсимон Эссан Менглиқалъа; 3-қалъали қишлоқ истехкомлари масалан Шўртепа III- бунда ҳам шимол-жануб йўналиш диоганал бўйича кетган; 4- қалъасиз қишлоқ истехкомлар масалан Мукри шўртепаси ; 5-қўрғонлар масалан Шўртепа II.

Истехкомлар ичида майдони тахминан 150 га бўлган Эски Чоржуй алоҳида ўринни эгаллайди.

Шимолий Бақтранинг маркази Термиз шаҳари Амударё бўйида жойлашиб қадимдан порт, айнаи вақтда дарёнинг у соҳилидан бу соҳилига

Ўтиш жойи-кечик вазифасини ўтаб келган. Исмини келиб чиқиши тўғрисида икки тахмин бор: 1-шаҳар “Тара-мато” (санскрит тилида-“дарё ортида”) маъносини билдиради; 2-шаҳарнинг номи подшоҳ Деметрий исмидан келиб чиқиб Дармит-Тармид-Термиз шаклларида талаффуз қилина бошланган. Бу жойда милoddан аввалги III асрдаёқ кечик олдида манзилгоҳ бўлган. Милoddан аввалги III-II асрларда (баъзи фаразларга кўра Деметрий даврида-милoddан аввалги 200 йил атрофида) Амударё соҳилидаги тепалик тўғритўртбурчак тархли кўрғон девор ичига олинади. Девор пахсадан, асоси 11 м кенгликка эга ҳолда бунёд этилди. Унинг буржлари бўлиб, теvaraги хандақ билан ўралган эди. Шаҳар майдони ўша вақтларда тахминан 10 га бўлган. Кушонлар (I-III аср) даврига келиб аввалги шаҳар қалъасифатида сақланиб қолди. Шаҳарнинг асосий қисми эса қалъа атрофида кенгайди. Кўрғон девори кўпбурчак шаклдаги аввалги шаҳарга қараганда 35 баробар катта (350 га) майдонни қамраб олди.

Термизда ташқи шаҳарнинг шимоли-ғарбий бурчагида Қоратепа ва Фаёзтепа пайдо бўлди. Шаҳар IV-V асрларда инқирозга учрайди.

Шимолий Бақтранинг бошқа йирик шаҳари бўлмиш Далварзинтепада милoddан аввалги III-II асрларда майдони 3 га бўлган манзилгоҳ пайдо бўлди.

Тожикистоннинг пойтахти Душанба ўринда майдони 20 га га яқин бўлган шаҳар вужудга келган.

Сўғд мамлакати (вилояти) Самарқанд Бухоро ва Қашқадарё туманларига бўлинган эди. Сўғднинг ҳаёти асосан икки давр мобайнида: 1-милoddан аввалги IV-I асрларда ва 2-милодий I-IV асрларда ўтган. Самарқанд туманининг маркази Афросиёб милoddан аввалги VI-милодий VI асрларда ҳаёт кечирган. У 219 га майдонча эгаллаган эди. Қашқадарё Сўғдидаги Ерқўрғон ҳам тахминан шу даврда милoddан аввалги VI-IV асрларда пайдо бўлган. Майдони 36 гани ташкил қилган. Бухоро Сўғдининг маркази Бухоро ўрнида истехком бўлиб тадқиқотчилар унда милoddнинг бошларида ҳам ҳаёт давом этганини таъкидлайдилар. Шу билан бирга истехкомнинг дастлабки пайдо бўлиши олдини даврга мансубдир деб тахмин қиладилар. Кўрғон девор

қолдиқлари топилмаган. Бухоро воҳасида Сеталак номи билан аталадиган диний иншоот истехкомларнинг гуруҳи марказида жойлашган эди.

Устуршанада шаҳарсифат истехкомлар орасида Мунчоктепа нисбатан яхши ўрганилган. У Сирдарё бўйида жойлашган. Майдони-4 га. Тархи томонлари 200x180 м.ли тўғри тўртбурчакни ташкил этади.

Тошкент бутун Чирчиқ воҳаси каби қадимдан Чоч, Чош, Шош деб номланган бўлиб, шаҳарсозлигининг ривожини антик даврга тўғри келади. У ўз тарихи давомида халқаро савдо йўларидаги муҳим пункт, деҳқончилик ва чорвачилик районларининг чегарасидаги қалъа ва қириқ савдо шаҳари бўлиб келган; катта майдонни эгаллаган; ўз атрофидаги ерлар ва аҳоли жойлар билан ҳамма вақт боғлиқ бўлган. Шунга кўра шаҳарларнинг негизи ҳамиша ҳам марказда муқим турмай, 2 маротаба ўз ҳудудининг чеккасига ўтган. Ундан ташқари шаҳар шаклланишига Тошкентнинг ҳозирги территориясидаги археологлар қайд этган 50 дан ортиқ истехком, қалъа, кентлар таъсир этган.

Бу ҳудудда шаҳарсозликнинг (урбанизациянинг) ривожини милоддан аввалги биринчи асрлари ёки милоднинг бошланиши давларига бориб тақалади. Қанқха, Шавқия, Далвэрзнтепа, Киндиктепа, Қовунчитепа, Октуба 2 каби ёдгорликлар Қовунча маданиятининг биринчи босқичларига тегишлидир. Улар Сирдарёнинг ғарбий қисми текисликларида пайдо бўлди. Иккинчи босқичда шаҳарлар (Қавардан, Қул ота, Мингўрик) чўл ва тоғолди ерларида вужудга келади.

Воҳадаги Охангарон дарёси бўйида энг катта шаҳар Қанқха бўлиб аввалги шаҳар негизи (ядроси)-“Биринчи Шахристон” қалъага айлантирилди. Шаҳар ичидаги қурилмалар анчагина зич бўлган. Майдони 6.5 га бўлиб тархи мурабба (квадрат) шаклидадир. Томонлари узунлиги 230 м. шимолий бурчакда қалъа у ҳам мурабба мавжуд. Шаҳар ҳам, қалъа ҳам эни 50 м ва дарё билан боғланган ҳандақ ҳамда девор билан ўралган. Қалъа деворларининг тузилиши аниқланмаган. Шаҳар муҳофазаси мураккаб. Бир мунча текисланган тепаликда 3 м қалинликда тупроқ ва пахсадан платформа ташкил этилган. Устидан бир неча қават хом ғишт тушалган (фарш қилинган). Платформа

четидан деворгача 15 м оралиқ бор. Деворнинг пастки қисми пахсадан, тепаси хом ғиштдан ишланган. Девор икки қатор: ташқисининг эни- 2.7 м, орадаги рахрав (коридор) эни 2.2 м, ички девор эни 4.5 м. ташқи деворнинг нишаби кескин 70 га ча боради. Рахрав тоқ билан ёпилган. Унда трапециясимон ғиштдан фойдаланилган. 3.4 м баландликда юқори рахрав бошланади. Тархи овал шаклидаги (асосининг диаметри 9 м) бурж сақланган. Фақат битта дарвоза (жануби-ғарбда) бўлган.

Фарғонада антик даврнинг энг йирик ёдгорлиги Шўрабашот ҳисобланади (майдони 70 га). Ясси ариғи бўйлаб жойлашган 4 қисмдан иборат. Уч томонидан кўрғон девор билан ўралган. Атрофидаги бир неча тепаликлар йўл бўлиб кетган. Милоддан аввалги IV-I асрларга оиддир.

Кейинги-Марҳамат маданиятининг ёдгорлиги Марҳамат ўаҳаридир. Томонлари – 750 х 500 м. Майдони 40 га. Шимолий деворида 12, ғарбий ва Шарқий деворларида 20 тадан буржлари мавжуд. Жанубий девор бузилиб кетган. Милоддан аввалги III-II асрларда шаклланиб милодий I-III асрларда гуллаб-яшнаган. Уни ҳақли равишда Даваннинг пойтахти – Эрши деб ҳисоблайдилар.

Хоразм шаҳарсозлигининг антик даврда ривож топганлигини қатор истехкомлар мисолида кузатилади.

Жонбоз қалъа тўғритўртбурчак 200 х 170 м шаклида режаланган Шимол-Жануб йўналиши диагоналга тўғри келади. Милоддан аввалги III асрда жадал ҳаёт кечирган. Кўрғон деворларида шинаклари бор. Бир дарвозали. Дарвоза олдидаги майдон ҳам девор билан муҳофазаланган. Қалъа ўртаидан кенг йўл ўтади. Йўлнинг икки томонларида турар уйлар массивлари жойлашган. Йўль ибодатхонага олиб борган.

Хоразм воҳасининг жанубида Хазораси қалъаси қурилган. Тарки мураббага яқин 290 х 294 м. кейинчалик олиб боришнинг янги усуллариға мослашиб қайта қуриш ишлари олиб борилган.

Қўй қирилган қалъа доира шаклида қурмаган. Ўртаси цилиндрик хажмдан иборат. Унинг ичидаги хоналар симметрик тарзда жойлашган.

Марказий хажмнинг тевагагидаги халқада турли ёрдамчи хоналар жойлашган. Қалъанинг вазифаси функцияси тўла аниқланмаган. Ибодатхона сифатида қурилган деб фараз қилинади. Расадхона вазифасини ҳам ўтаган бўлиши мумкин.

Тупроқ қалъа милоддан аввалги I-милодий VI асрларда ҳаёт кечирган ноёб шаҳарсозлик асридир. милодий III-IV асрларда хоразмшоҳларнинг қароргоҳи бўлган. Томонлари 500 x 350 м ни ташкил қилади. Атрофи хандак билан ўралган. Қўрғон деворлари буржли. Бир дарвозаси мавжуд. Олдидаги ҳовли алоҳида девор билан ўралган, ўртасидан кўча ўтади, икки томонларида 10 маҳалла жойлашган. Қалъанинг шимоли-ғарбий бурчагида уч минорасифат хажмли сарой бор. Сарой ёнида ибодатхона бўлган деб фараз қилинади. Тупроқ қалъанинг мунтазам тарҳи шаҳар бир вақтда бунёд этилганлигидан далолат беради. Шаҳар ўлчамларининг тахлили хандасий мутаносиблаш геометрик қўлланганлигидан далолат беради.

Антик даврда Марказий Осиёда шаҳарсозлик олдинги милоддан аввалги VIII IV асрлардаги, айниқса аҳамонийлар давридаги шаҳарсозликка таянган ҳолда ривож топди. Илк антик даврда янгидан-янги шаҳарлар бунёд этилиши давом этди. Шаҳарсозлик қушонлар даврида айниқса раванқ топди.


Юган тепа шаҳар боскичлари икки боскични ташкил этган. Биринчи боскич Исломгача бўлган даврлар яни IV-VII- асрларни ўз ичига олган. Иккинчи боскич Ислом даври VIII - XII - асрларни ўз ичига олади. Улар милоддан аввалги II-I-асрларда Чочтепада қадимги бургакликларнинг қишлоқ харобалари устида қомғиштли девор билан ўралган айлана тарҳли Қалъа-қўрғон барпо этишган.


Юган тепа Ниёзбаш қишлоғидан ярим км шимолроқда жойлашган. Архаик жойлашиш қолдиғидан феадал шаҳарга айланган деб қаралади. Биринчи Салар водийси марказий тепалигидан ҳосил бўлган ва атрофи ўралган. Архаик жойлашиш плани ва Профили мавжуд. Кейинроқ ғарбга қараб ёйилган феадал шаҳарга айланган. Қучли девор билан ўралган гумбазли

шаҳар. Бу пайтда Юган тепа кўрикчи кучлар сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин.

Тепа мутлако тегилмаган маданият қаватлари очилмаган. Фақат трангулятсия пунктини казиш пайтида қуш тасвири туширилган боўлак топилган.

Тепа зороастризм даврида кабростон сифатида фойдаланилган деб тахмин килинади. Тепадан ғарб томонда шаҳарча жойлашган. Жанубий деворнинг ярми тўкилган ва икки қаватли катлам тагида калинлиги 1м дан иборат кул қатламлари аниқ кўриниб турибди. Шулардан архаик керамика топилган. Пастки пахса девор юқори деворлардан фарқи бор кулсимон тусга эга чунки архаик кулсимон қатламдан тузилган. Пахса қалинлиги ҳамма жойда бир хил эмас 1.10м дан 0.40м гача бу шуни кўрсатадики девор бир неча марта қайта тикланган. Шаҳарча тенг ярмидан шарққа қараб турган девор ва гумбаз билан ажратилган. Ғарб қисми цитадел вазифасини бажарган, бу ерда 3 та сув ҳавзаси ўрни мавжуд бўлган. Бутун шаҳарча майдонида замонавий ер-тўлалар қазилган, уларда қозоклар яшаганлиги излари биланади.





Ер ости метерияли суғорилган ва суғорилмаган материалдан тузилган бу кадимий ва XIV аср асрдан бошланган. Мўғуллар ҳужумидан сўнг шаҳар буткул вайронага айланган.

Тахминларга кўра III-IV - аср охирида Юган тепа давлати сусайган бир пайтда унинг таркибига кирган мулклари кучайган. Шулар жумласига Чоч ҳам киради. Кейинчалик Чоч эфталилар давлатига яни диний концепсияларига ҳолис қарайдиган давлатга чиқади. Кейинчалик савдо-сотик ва дипломатик соҳалар ривожланишида Хиндистон ва бошқа буддиз мамлакатлар билан алоқаси натижасида буддиз комплекси савдо йўлида яратилди. Яни Чач ва Динбагинакетга бориш йўлида. Атрофлича ўрганилганда мамлакат урбанизатсиясини кузатиш онсон иш эмас чунки ёзма манбалар йўқ. Лекин қазилмалар ҳозирги Тошкент оазисида масшаби кенг кўламда топилган. Жуда кўп шаҳарчалар размери ва фортификацсиён сифати билан фарқланадиган мустахкамланган қишлоқлардан тортиб қасрларгача топилган.



1.2. Ижтимоий ва маданий ҳаёт

Аждодларимизнинг милoddан аввалги VIII-VII асрлардаги ҳаётини ўрганишда "Авесто" китоби қимматли ёзма манбаа ҳисобланади. Мазкур нодир китобда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар дастлабки давлат тузилмаларининг шаклланиш жараёнлари ўз ифодасини топган. Ватанимиз тарихига доир малумотлар юнон ва рим манбаларидачунончи Геродотнинг "История" (М.1972) Ксенофоннинг "Греческая история" (М.1935) Полибийнинг "Всеобщая история" (М.1980-1989) Аррианнинг "Поход Александра" (М.Л. 1962) Страбоннинг "География в 17книгах" (М. 1964); Куртсий Руфнинг "История Александра Македонского"(М.1963) ва бошқаларнинг асарларида ҳам учрайди. Антик муаллифлар томонидан ёзиб қолдирилган малумотларни тўпловчи И.В.Пяньковнинг "Средняя Азия визвестиях античного историка Ктесия" (Душанбе 1975) Н.Г. Горбунованинг "Ферғана по сведениям античных авторов. История и культура народов Средней Азии" (Л.1976) каби китоблар ҳам Ватанимиз тарихини ўрганишда ёрдам беради. Хитой ёзма манбаларидан "Тарихий гувоҳликлар" (мил.ав.И аср) "Улуғ Хан хонадони тарихи" (милодий I аср) "Кичик Хан хонадони тарихи" (милодий Васр) "Вей хонадони тарихи" (милодий VI аср) "Шимолий подшоҳликлар (Бейши)тарихи" (милодий VII аср) ва бошқаларда Туркистон тарихи ҳақида малумотлар бор. Шунингдек арман византиялик муаллифларнинг VII асарларида ҳам Ватанимиз тарихи ҳақида малумотлар учрайди.

Ватанимиз тарихини ўрганишда туркий форс араб манбаларининг аҳамияти катта. Қадимги турк ёзуви тўғрисида С.Е.Маловнинг "Памятники древнетюрской письменности" (М.1951) ва "Енисейская письменность тюрков. Текст и переводы" (М-Л.1951) А.Сагдуллаевнинг "Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда" (Т.1996) асарларида қимматли малумотлар бор. Туркий халқлар жумладан ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишда Абулғозийнинг "Шажарайи турк" (Т.1992), Л.Н.Гумилевнинг "Древние тюрки"(М.1960),

А.Ю.Якубовскийнинг "К вопросу об этногенези узбекского народа" (Т.1941) асарларидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбек халкининг ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий иқтисодий манавий маданий ҳаётини ўрганишда Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шахри" (Т.1993) Абу Райхон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" (Т.1968) Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билиг" (Т.1960) М.Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк. Уч жилдлик" (Т.1960-1963) Абу Тохирхожанинг "Самария" (Т.1991) Наршахийнинг "Бухоро тарихи" (Т.1991) Низомулмулкнинг "Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк" (Т.1997) Амир Темурнинг "Темур тузуклари" (Т.1991) Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" (Т.1994) ва бошқа нодир қитоблар муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

Ватанимиз тарихини ўрганишда ўз даврида ҳокимият тепасида турган сулолар тарихини ёритишга бағишланган бир қатор қитоблар - Шихобиддин ан-Насавийнинг "Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти" (Т.: Ўзбекистон1999) Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" (Т.Ўзбекистон1996) Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" (Т.: Шарк 1997) Ибн Арабшохнинг "Амир Темур тарихи. Икки жилдлик" (Т.Мехнат 1992) Хофиз Таниш ал Бухорийнинг "Абдулланом" (Т.1999) Мулла Муҳаммад Солихнинг "Шайбонийнома" (Т.1989) Баёнийнинг "Шажарайи Хоразмшохий" (Т.1991) ва бошқалар қимматли манба сифатида диққатга сазовордир. Бизгача этиб келган бундай моддий ва ёзма манбалар Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шаркшунослик институти Шарк қўлёзмалар фонди дунёдаги энг йирик қўлёзмалар хазиналаридан ҳисобланади. Бу эрда 40 мингдан зиёд қўлёзма нусхалари 30 мингдан ортиқ тошбосма қитоблар ва 10 мингдан ортиқ Шарк тилларида ёзилган ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек Ватанимиз тарихига оид муҳим қўлёзма ҳужжатлар нодир қитоблар қимматли маълумотлар хорижий мамлакатлардаги илм масканлари кутубхоналарда сақланмоқда. Ана шу қўлёзма ҳужжатлар ва қитобларнинг ҳозирги ўзбек тилига таржима қилиниши ва нашр этилиши Ватанимиз тарихини янада тўлароқ ҳолисона ёритилишига

тарихимиз саҳифаларидаги "ок" ва "кора" доғларнинг барҳам топишига кўмаклашади. Ўзбекистон тарихига доир тарихий манбалар ҳақида маълумотлар Б. Аҳмедовнинг "Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари" (Т.1991) Т. Саидкуловнинг "Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар" (Т.1993) номли китобларда тўлароқ берилган ўқув жараёнида улардан фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда этакчи замонавий тарихчи олимларимиз томонидан яратилган тарихий асарлар дарслик ва ўқув кўлланмалар муҳим ўринга эга. Тарихимиз тўққисида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун Ўзбекистон тарихи давлат музейи Темурийлар тарихи давлат музейи Ўлкани ўрганиш ва бошқа музейлар Самарканд Бухорё Хива Шахрисабз Карши Урганч Тошкент ва бошқа шаҳарлар улардаги тарихий ёдгорликлар билан яқиндан танишиш зарур. Аجدодларимиз қолдирган моддий ва маънавий ёдгорликлар билан танишар эканмиз уларда халқнинг меҳнати фикр-ўйлари орзу-умидлари ҳис-туйғулари мужассамлашганини қалбан ҳис этамиз англаб йетамиз. Ана шунда бу тарихий ёдгорликларнинг чиройли кўринишидан ҳузурланибгина қолмасдан аجدодларимизга халқимизга миллатимизга нисбатан меҳр-муҳаббатимиз ортади Ватанимиз билан фахрланамиз.

Барча далили ашёлар милоддан аввалги сўнгги минг йиллик бошларида аниқроғи VIII-VII асрларда Ватанимиз ҳудудларида 3 та: Катта Хоразм Бактрия ҳамда саклар ва массагетлар конфедератсияси шаклидаги дастлабки давлатлар шаклланган. Бу давлатлар ўзига ҳос ривожланиш жараёнини босиб ўтган. Айниқса бу илк давлатлар орасида Бактрия нисбатан барқарор бўлганлиги билан ажралиб туради. "Катта Хоразм" "ишлаб чиқаришнинг Осиё усули"га эга бўлган давлатларнинг қадимги шарқ типига мансуб эди. Саклар ва массагетларнинг конфедератсияси эса чорвадор турларнинг кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг ҳарбийлашган давлатидан иборат эди. Қашқадарё воҳасининг милоддан аввалги VIII-VII асрларга оид Сангиртепа, Янгитепа, Чироқчитепа ва Ерқўрғон сингари аҳоли манзилгоҳларини ўрганиш

шуни кўрсатадики, бу жойларда ўтроқ турмуш кечирган қавм элатлар деҳқончилик билан фаол шуғулланганлар. Худди шундай фикрни Сўғдиёна ҳудудларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Қулай табиийжуғрофий шароитга эга бўлган Омонкўтон Гурдара Кўтирбулок Зирабулок маконларида яшаган аҳолининг маданий ҳаёти ҳам анча тўлақонли кечган.

Юртимиздаги илк давлат тузилмаларида яшаган аҳоли машғулотлари турларидеҳқончилик ва боғдорчилик хунармандчилик чорвачилик савдотик кулолчилик металл ишлаш заргарлик тўкимачилик мўйнадўзлик ёғоч ишлашҚадимги Шарк ва Олд Осиё мамлакатлари билан узвий алоҚалъар ўрнатилади. Мазкур давлат тузилмаларининг тараққиёти кўпроқ маҳаллий аҳолининг нисбатан юксак ривожланган қадимий деҳқончилик маданиятига асосланган эди.



Мил.ав. VI-IV асрларда ҳам Ўрта Осиёнинг Бактрия Сўғдиёна Марғиёна ва Хоразм воҳаси ҳудудларида суний суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти тўхтовсиз ривожланишда давом этган. Ўлканинг ўша

даврдаги асосий кон томирлари ҳисобланган Самарканд (Афросиёб) Марв Бактра Эркўрғон, Қизилтепа Кўзалиқир сингари шаҳарлари хунармандчилик ва савдо-сотик марказлари сифатида қадимги аجدодларимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Бу даврда зарб этилиб муомалага чиқарилган дастлабки танга пуллар ҳам шаҳарлар ҳаётининг ўсганлигидан гувоҳлик беради.

Мил. авв. V-IV асрларда Марказий Осиё ҳудудида дастлабки танга пуллар -дорийлар (ҳажми 67 гр бўлган тилло тангалар) ва талантлар (киммати 34 кг кумушга тенг даромаднинг шартли ҳисоби) Кумуш Олтин Лал Зумрад Рангли ва кора металллар қуйиш ривожлана бошган.

Мил. авв. VI аср ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё йерларининг Турк хоқонлиги тасарруфига ўтиши билан боғлиқ ҳолда бу ҳудудда шарқдан турли туркий уруғ қабилаларнинг келиб жойлашиши ва ўтроклашиши жараёни янада кучаяди. Айни пайтда бу йерларда ўрнашган туркий этник гуруҳлар ўзларига хос кўплаб миллий ананалар удумлар ва маросимларни ҳам олиб келганлар. Бу эса бир томондан бу ҳудудда аҳолининг аралашуш-қўшилиш жараёнига сезиларли тасир кўрсатган бу йерда азалдан яшаб келган аҳолининг туркий қатлами салмоғининг кўпайиб боришига боис бўлган. Иккинчи томондан ўлка ҳаётида кечган бу тарздаги этник ўзгаришлар шу ҳудудда яшаган халқларнинг бир-бирлари билан яқинлашиб маданий-манавий алоқаларининг ўзаро бойиб тараққий этишига ижобий тасир кўрсатиб борган.

Турк хоқонлиги ҳукм сурган VI-VIII асрларда юртимизнинг шарқий хусусан Фарғона Шош ҳудудларига туркий этносга мансуб уруғ қабилаларнинг кириб келиши кучаяди. Уларнинг кўпчилигини қарлуклар ташкил этарди. VII-аср ўрталарига келиб Фарғона водийсининг шарқий ва марказий йерларида қарлуклар мустаҳкам ўрнашиб оладилар. Шунингдек Тошкент воҳасининг тоғли ва тоғ олди туманлари аҳолиси таркибининг анча қисмини ҳам қарлуклар ташкил этган. Уларнинг кўпчилиги ўтроқ ҳаёт кечириб турли хил хўжалик юритиш тизимини яратиб борганлар. Улар яшаган жойлар ўз орасталиги ободонлиги гавжумлиги билан ажралиб турган.

Чирчик ва Охангарон водийларида иккита ҳокимлик мавжуд болган. Манбаларда улардан бири Чоч иккинчиси Док мулки номлари остида тилга олинади. Чочнинг маркази Чоч шаҳри бўлиб ҳукмдон "тудурф деюритиларди.

Илокнинг маркази Тункат ҳокимлари "деҳқон" деб аталарди. V асрда улар Эфталлийлар давлатига VI асрда эса Ғарбий турк ҳоконлигига бўйсундирилади.

Чоч ва Илоқ сертармок хўжаликка эга бўлиб суғорма деҳқончилик чорвачилик ҳунармандчилик кончилик ички ва ташки савдо юксак даражада эди. Чоч ва Илоқ тоғлари олтин кумуш рангли маданлар темир ва жилвадор чакмок тошларга бой эди. Карвон йўлининг ўлка оркали ўтиши Чоч ва Илоққа ички ва ташки савдо-сотикнинг кенгайиб шаҳарларининг гавжумлашувига имкон беради. Чоч тудунлари олд томонига мулкдорнинг сурати оркасига гажак думли барс ёки коплон тасвири базан сулолавий айри тамға туширилган чака-тангалар зарб этганлар.

Бошқарув мамурияти. Илк ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳокимликларида малум тартибдаги бошқарув мамурияти ташкил топган эди. Бошқарув мамуриятининг асосий вазифаси фуқаролардан бож солиқ ва ясоқларни ўз вақтида йиғиб олиш жамоат ишларига уларни сафарбар этишдан иборат бўлган. Кирим-чиқимлар аниқ ва равшан қайд этилиб ҳужжатлаштирилган.

Уларга бармоқ босилиб хатто муҳр билан тасдиқлаб қўйилган. Арк-шаҳарда ҳоким касри жойлашган. Рабод-шаҳарнинг ташқи мавзеси. Вилоят ҳокими Ихшид деб аталган. Шахристон-шаҳарнинг ички кисми. Дурадгорчилик аса

нажжорлик деб аталган.

Ёзув диний этиқодлар санат мусиқа. Ёзув Бу даврда Суғд Хоразм ва Тохаристон аҳолисининг алоҳида-алоҳида ёзувлари бўлиб суғд ва хоразм ёзувлари қадимги оромий ёзуви асосида майдонга келган эди. Тохар ёзуви

бахтар ёзуви асосида шаклланган эди. Хат ҳужжат ва айрим ахборотлар каби мактуботлар асосан чарм ёғочсополга ва камдан-кам холларда қоғозга битиларди. Чунки қоғознинг баҳоси нихоятда баланд эди.

Айрим битиклар эса хатто подшоҳ саройлари ва ибодатхона деворларига ҳам ёзиларди. Улар орасида элчилик мактубларихўжалик кириш ва чиқишлари юридик шартномалар астрономик хужжат тарихий ёдномалар ҳамда диний ақидалар битилган нодир кўлёзма топишмалар бор. Бизнинг замонимизгача сақланиб қолган Суғд ёзувлари Панжикент яқинида Қалъаи Муғда Шарқий Туркистондаги Турфан шаҳри яқинида Самарқанднинг қадимий харобаси Афросиёбда қайд этилган.

Илк ўрта асрларда юртимизда СуғдХоразмТохар ва Кўк турк ёзувлари мавжуд бўлган. Суғд ёзувиАфросиёбдан топишган деворий расм. VI-VII асрлар. Кува. Будда ибодатхонасидан топишган ҳайкалнинг бош қисми. Ўрта Осиёда аҳоли зардуштийлик буддавийлик христианлик монийлик ва кам (шомо нийлик) каби бир нечта динларга сиғингананат. Арфа чалаётган киз. Айртонпирамонидан парча.Тасвирий санатнинг расомлик ва ҳайкалтарошлик каби бир қатор тармоқлари раванқ топади. Улар ўз даврида содир бўлган ўзгаришлардан қалолат беради.

Сурхон воҳасида Болаликтепа ва Зарафшон водийсида Панжикент Варахша ва Афросиёб Фарғона водийсида Кува харобаларида ҳамда бошқа ёдгорликлардан топиб ўрганишган деворий суратлар ҳайкаллар ва ганҷқори нақшлар ўша замоннинг юксак санат асарларидан ҳисобланади. Деворий тасвирлар ўша замоннинг ўта мураккаб ҳаёти диний этиқоди ва ташқи мамлакатлар билан олиб борилган алоқалардан ҳикоя қилувчи манба ҳамдир. Ҳайкалтарошлик ривожига айниқса будда дини қучли тасир қўрсатган.

Фарғона водийсида Кувадан ҳамда Кўрғонтепа яқинида Ажинатепадан будданинг баҳайбат ҳайкаллари топилибўрганишди. Ажинатепадан топишган будда ҳайкалининг бўйи 12 метрга боради. Бу даврда бадийий ёғоч ўймакорлиги санати ҳам юқори даражада турган. Илк ўрта аср ганҷқорлиги санатининг нодир ёдгорлиги намуналари Варахша топишмалари орқали тадқиқ этишди. Турли хил геометрик шакллар меваши дарахт ва

Ўсимликларнинг ўймакор нақшлари ов манзараси Бухоро хукмдорларининг Варахшадаги қароргоҳининг ҳашаматли сарой деворларини безаб турган.

Мусика санати. Ўрта Осиёда мусика рақс кўшиқчилик қизиқчилик ва дорбозлик каби санатнинг турли соҳалари ҳам ривожланган эди. Бу даврда санат соҳасида Бухоро қизиқчилари Самарканд найчилари Тошкент ўйинчи йигит ва раққоса қизлари билан шуҳрат топган эди. Чоч ўйинчи йигитлари ижро этган машҳур "Чоч ракси" ёки доира чертмасига имо билан йелка учираб тушадиган ўйноки "Доира ракси" Хитой аёнларини мафтун этиб уларни хайратга солган эди. Биргина Бухоро шаҳрида уста хунармандлар томонидан ўн турдаги чолғу асбоблари ясалган. Аркон-диндаги энг муҳим вазифа; Камшомон-Кўк Тангрига сиғинувчи яққа худолик дини. VI-VII асрларда Ўрта Осиёда зардуштийлик буддавийлик христианлик монийлик ва кам (шомонийлик) каби бир нечта маҳаллий динлар мавжуд бўлган. Аҳолининг кўпчилиги зардуштийлик динига этикод қилган.

1.3 Тарихий ҳудудининг ҳозирги ҳолати

Архитектура топонимика ва топографияга асосланиб фикирлаб кўрсак бизни қизиктирган шаҳарча Чирчик дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган Чирчик Тошкентдан 30 км узоқда. 1929-йил А.А Потапов ва 1934-йил Г.В Григорьев томонидан белгиланган. 1954-йил эса Мершиев томонидан аниқланган. Юган тепа шаҳарчаси "Юган -йирикйўғон тепалик " 3 қисмдан иборат: шахристонқишлоқ ва аркдан иборат. Арк шахристондан шарқда жойлашган. Арк юмалоқфўрмада диаметри 150 м дан кўпроқ. Шахристон тўғри тўртбурчак майдони 420-400м ёпик кўрғон деворлар билан ўралган.



Тева мутлако тегилмаган маданият қаватлари очилмаган. Фақат трангулятсия пунктини қазииш пайтида қуш тасвири туширилган бўлак

топилган. Смирнова О.И Динбагинакет номини араблар босқинигача динлар Ибодатхонадеб аталган чунки бу йерда катта ибодатхона мавжуд бўлган.

Шахардан 1-3м нарида жойлашган аркда Маданият қатламлари 4м гача йетади. Вақтинчалик қаровсизлик араблар юриш даврига боғлиқ. Шахристон арки 20 гектардан ошиқ. Тепа зороастрийский даврида қабристон сифатида фойдаланилган деб тахмин қилинади. Тепадан ғарб томонда шаҳарча жойлашган. Жанубий деворнинг ярми тўкилган ва икки қаватли қатлам тагида қалинлиги 1м дан иборат кул қатламлари аниқ кўриниб турибди. Шулардан архаик керамика топилган. Пастки пахса девор юкори деворлардан фарқи бор кулсимон тусга эга чунки архаик кулсимон қатламдан тузилган. Кизил пардозланган ва кулранг арламентли керамика учрайди. Жанубда шаҳарча ва Ниёзбош ўртасида яшаб ўтган қишлоқ аҳоли қолдиқлари кўриниб турибди. Тепалик деярли очилмаган маданият қатламларига тегилмаган. Хозирда тепалик ҳудуди буткул вайронага айланган. Ғишт заводи ҳудудни ўзлаштириб тепалик тупрокларини буткул вайронага айлантирган. Тепаликдан асар ҳам қолмаган.





Юган тепа шаҳар ҳудудининг таҳлили

Раҳбар:


Салимов О.М.

Битирувчи:

Абдухалилова М.Ғ.


II.1. Шаҳар қалъаси аҳамияти ва вазифалари

Шаҳарда бозорлар оташхоналар хоммом кудуқлар турар жойлар ва хунармандлар шаҳари мавжуд бўлган. Қадимдан тарихий шаҳарларнинг қалъалари ҳар хил: диз кўхна диз (рус тилидаги адабиётда - кухениз) арк қалъа ва ўрда деб номланган. Ҳозирги кунда бундай тизимларга умумий қалъа деган ном билан аташ мақсадга мувофиқдир. Қалъалар турли шаҳарларда турли бўлиши билан бирга ўхшаш томонлари ҳам бўлган. Улар шаҳарни бошқариш учун хизмат қилган. Қалъалар атрофи қалин ва баланд деворлар билан ўралган бўлиб девордан бўртиб чиққан ярим минора шакилли буржлар девор тепасига кунгуралар бўлган. Қалъага киравериш дарвоза тариқасида ҳал этилган. Дарвозалар одатта битта бўлган лекин уч-тўрт дарвозали Қалъалар ҳам малум.





Қалъалар ичкарасида сарой мажмуаси мулозимлари аскарлар учун мўлжалланган бинолар масжидлар ховузлар ва бошқа иншоотлар ҳам


қурилган. Қалъаларнинг асосий иншооти ҳисобланган сарой аскари икки қисмга бўлинган. Биринчи қисми расмий идори ишлари учун мўлжалланган.



Бу қисмида кўриниш хона (арзхона саломхона) ном билан аталадиган зал бўлган. Иккинчи қисми истиқомат учун мўлжалланган эди. Унинг асосини харам хоналар ташкил этган. Бази қалъалар ичида масжид макбара каби бинолар ҳам мавжуд эди. Ўрта Осиё кўхна шаҳарларидаги ҳукмдорлар қароргоҳи жойлашган Қалъа баланд ўрда ҳисобланган. Табиий баланд тепа ёки махсус яратилган баланд дўнглик устига қурилиб, атрофи баланд девор билан ўралган бир ёки иккита дарвозаси бўлган. Ёзма манбаларда қалъалар кўрғон истехком ва шаҳар маноларида тилга олинади. Қалъалар доира тўғри тўртбурчак квадрат ёки авал тархли бўлиб атрофи баландлиги ўртача 9 - 10 м қалинлиги 3 - 4 м мудофа девор билан ўралган.



Девор ташқарисидан чуқур (2-3м) ва қалинлиги 10 - 15 м ли хандак-ховуз ковланган. Қалъа девор пахса ва йирик ҳом ғиштлардан барпо этилган. Девор бўйлаб мўлалар айниқса унинг бурчак қисмларида доира ёки тўртбурчак шаклдаги буржлар қад кўтариб уларнинг бир ёки икки қатор нишон туйнуқлари- шинак (тиркаш)лари бўлган. Қалъада бир ёки икки дарвоза бўлиб улар стратегик жиҳатдан жуда мустаҳкам қилиб қурилган. Қалъа ичида аҳоли турар жойлари от - улов ва моллар учун отхона молхона ва кўралар бўлган. Қамал воқтида эса зарурий озиқ овқат йем-хашак қурол-яроқ камон ўқлари ва палахмон тошлари сақланган. Бухоро ва Қашқадарё вохаларида қалалар одатда қорғон деб юритилган. Ромитан Ерқўрғон ва бошқа кўрғонлар ҳам мустаҳкам девор билан ўралиб бир неча дарвозаси бўлган шаҳар кийёфасидаги қалъа ҳисобланган. Қалъалар шубҳасиз қадимги ва ўрта асрларнинг ўзига хос меморий обидаси ҳисобланади. Улар аввало аҳоли яшайдиган турар жой мудофаа иншооти ёвгарчилик даврларида қамалдаги ҳарбийлар қароргоҳи озиқ-овқат ва қурол-яроғ омборхоналари каби вазифаларни ўтаган.



II.2. Бино ва иншоотлар меъморлиги

Милоддан аввалги VIII IV асрларда (яъни қадимги даврнинг дастлабки босқичларида) ҳам меъморчилик ундан олдинги даврларда тарқалган қурилиш ашёлари ва конструкцияларни қўллаш тажрибасига асосланади. Бино турларидан кўпроқ турар уйлар ўрганилган.

Бақтра турар уйи Кучуктепа мисолида ўрганилган. Аниқланишида у милоддан 800 йиллардан 400 йилларгача ҳаёт кечирган қўрғон ҳовли бўлган.

Фарғонада, тадқиқотларга кўра турар уйларнинг уч хилини ажратиш мумкин: 1-ерустки, 2-еростки, 3-жўн, ерустки чайласимон уйлар.

Бўзтепа кичик манзилгоҳ бўлиб тахминан 20 хонадан иборат бўлган турар жой мажмуасидир. Чамаси бир катта оила учун хизмат қилган.

Тоғларда ёзлоклар (мавсумий манзилгоҳлар) бўлган. Улар мол боқиладиган вақтларда вужудга келган.

Чочда Бурганлик маданиятига оид турар уйлар уч турда бўлган:

1-чайласимон, енгил қурилмалар;

2-уйларнинг асосийлари ертўла тариқасида бўлиб сахни кўпроқ 12-15 м ташкил этган;

3-катта ертўлалар бўлиб пастга девор ёрдамида бир нача бўлмаларга ажратилган бўлган; бу кўп хонали уйларнинг дастлабки қўриниши эди.

Нуртепада турар жойлар - ертўлалар шаклида қурилган каттагина бўлган (узунлиги 5 м, эни-3.5 м) ертўла очилган Енгил томи бўлган. Ер ҳам бўлган. Илк темир даврининг сўнгида пахсали уйлар пайдо бўлади.

Хоразм меъморлиги намуналари қаторида қалъали қир с а р о й и ажратилиши мумкин. Иншоотда симметрик тарзда уч томонларида айвонлари бўлган ҳовлилар ва бурчакдаги тўрт устунли хона алоҳида диққатни тортади. Саройдаги устунлар уч жойда (ҳовли ва икки хонада) жуфтлаштирилиб қўйилган. Саройда асосий хоналар (Қадимги Эронда кенг қўлланилган) тарзида қурилган.

Қадимги даврнинг дастлабки босқичларидан фарқли ўлароқ антик паллаларга оид меъморчилик асарлари кўпроқ ўрганилган.

Қурилиш ашёлари сифатида паҳса, хом ва пишиқ ғишт қўлланилган. Анчагини йирик 40х40х10 см ўлчамли ғиштлар ҳам ишлатилган.

Чирпица, кунгура ва шунга ўхшаш унсурлар лойдан ясалиб пиширилган. Бақтрада (маргелий) охактош ҳам қўлланилган. Ганчдан ункмили фойдаланилган. Баъзан устун тагига зилзилага бардошли бўлсин учун кум ётқизилган.

Токлар-паргорий ёки уч марказли (короб) кўринишида бўлган. "Тик бўлакли" ва "қия бўлакли" токлар қўлланилган. Конструктив жихотизан пасткиси-асосий, тепасидаги - ёрдамчи бўлган. Баъзан пасткиси "бўлак" қилинган, тепадигиси понали бўлган. Йирик террокота тахталардан ёнма-ён қўйилиб равоқ ҳосил ҳам қилган. Токчалар овал, паргорий исокларда бўлган. Хоразм ўчоклар учбурчак токчилардан иборат эди. Термиздаги буддойи ибодатхоналарда уч ёйли ёки қилсимон равоқ ва токчалар қўлланнилган.

Пол баъзан пишик ғишт билан қопланган, баъзида эса қизил рангда бўяларди. Бу усул қадимги Бақтра уйларида ҳам бўлган. Антик даврда ҳам кўп рангли бўёв ва девор суръатлари қўлланилган.

Парфнинг кўргон меъморлиги тўғрисида Эрк қалъа, Говур (Кориф) қалъа мисолида гапириши мумкин.

Эрк қалъанинг дастлабки девори (1-девор) Милоддан аввалги VI-IV асрларда паҳсадан қурилган. Ичкаридаги икки платформа ҳам шу даврга тегишли. Девор баландлиги 10.5 м, қалинлиги пастдаги - 25 м Эрк қалъа ундан аввалги даврга оид. Ёзтепадаги кескин дарк килади. Ёзтепада қалъа фақат суфада қурилиб, истехкоми кўрғонсиз эди.

Эрк қалъада эса қалъадан ташқари петехкоми ҳам кўрғонли бўлган. У кўпбурчак шаклида эди. У бора-бора эгра чизиқли шаклга айланган.

Говур (Кориф) қалъа девори икки тарафдан 10⁰ қияликда қилинган эди. Асосда қалинлиги 6.6 м. Девор паҳсадан қурилиб устидан хом ғишт ётқизилган. Буржаларнинг бўлган-бўлганлиги номаълум. Эрк қалъада ғишт

билан 1-девор ичкаридан кўшиб чиқилган (яъни "ғилоф"га олинган). Тепага 4 м яна кўтарилган. Жаъми 15.5 м бўлди. Эрк қалъанинг Кориф қалъага тутали жойда, ғарбда яна 1 дарваза бўлиши мумкин.

Милоддан аввалги II-I асрларда Кофир қалъада кўрғон қайта қурилади. Бу даврида Буржлар ишланади. Эрк қалъада эса фақат таъмир қилинди, сарой қурилди. II асрда янгидан қайта қурилиш олиб борилади. Хандақ тўлдирилади. шинак очилади.

IV асрда сосонийлар давридек яна бир маротаба таъмир бажарилади. Эрк қалъада девор: рахрав-6.5 м, томи йўк. Қалинликлари турлича: ташқи девор 3.7 м, ички девор 4.2 м қалинликда. хом ғиштдан ишланган. Хом ғиштнинг ташқи деворидаги, ўлчамлари ички деворникидан фарқ қилади. Бу бир девор эмас, балки икки девордир. Баланшликлари ҳам хар хил бўлиши мумкин. Шу давр мобаёнида кофир қалъа билан Эрк қалъа туташ жойидаги даврда беркитилади. Шимолий девор олдида кичик девор протехазма, қалинлиги-1.85 м қурилади. 3-девор илк сосонийлар даврига мансубдир.

Монументал меъморлик намуналаридан Парфда алоҳида "Квадрат зал" ҳам "Айлана ибодатхона" алоҳида эътиборга лойиқдир.

"Квадрат зал"-олов ибодатхонасига ўхшаш. Ичкарисидан эса Саморракия оромидаги "Арсикоён" га ўхшайди.

Бақтра – “Тоҳаристон” меъморлигида милоннинг биринчи асрларида буддийлик (буддизм) тарқалиши янги типдаги диний иншоотларни шаклланишига олиб келди. Шаҳар қиёфасида буддони динидаги қурилмалар аҳамияти ўсди. Бу давр буддони роҳибгоҳлар (монастирлар)-виқаралар кенг кўламда қурилиши билан ҳарактерланади. Одатда уларда эса хом ғиштдан фойдаланилган. Раҳравларнинг бирида деворий суръат холда сақланган. Виқараларда раҳравлар (коридорлар) кенг қўлланиб, тепаси тоқсимон конструкция билан ёпилар эди.

Кушонлар даврида (Термизда) Қоратепада қоя ҳамда еростки ибодатхоналари бунёд этилди. Қоратепа виқараси уч ярусли бўлиб, у

оҳактошдан қурилган. Қўрғоннинг ёнида Фаёзтепа ерустки роҳибгоҳ бино қилинди.

Буддойи иншоотларининг яна бир тури ступалардир. Улар муқаддас ашё сақланадиган тепаси сферик шаклда бўлган цилиндрик ҳажмга эга бўлган. Зурмола ступаси нисбатан яхши сақланган. Дастлаб қопламаси бўлган деб тахмин қилинади.

Бақтра археологик обидаларидан Холчаён яхши ўрганилган. Симметрик тарҳга эга: ўртада айвон, унинг орқасида эса икки устунли кичикроқ хона қурилган, ён томонларидан эса ёрдамчи хоналар туташган. Бино дала саройи вазифасини ўтаган. Безашда горельеф техникасига бажарилган ҳайкаллар қўлланилган.

Суғд ёдгорликларидан диний иншоат бўлмиш Сеталк 1 ёдгорлиги ажралади. Унинг икки қурилиш даврлари мавжуд. Биринчи даврда соддароқ, мурабба тарҳга эга бўлган иморат иккинчи даврда мураккаблашалди-тўрттала томонларда ярим айлана шаклларда жой қўшилади. Хоразм меъморлик намуналари қаторига қалъали қир саройи мажмуаси киради. Мажмуада симметрик тарзда уч томонларида айвонлари бўлган ховлилар ва бурчакдаги тўрт устунли хона алоҳида диққатни тортади. Саройдаги устунлар уч жойда ховли ва икки хонада жуфтлаштирилиб қўйилган.

Юган тепа шаҳар қаласи биринчи Салар водийси тепалигида ҳосил бўлган. Марказий тепаликдан ҳосил бўлган ва атрофи ўралган. Архаик жойлашиш плани ва профили мавжуд. Кейинроқ ғарбга қараб ёйилган феодал шаҳарга айланган. Кучли девор билан ўралган Гумбазли шаҳар. Бу пайтда Юган тепа кўрикчи кучлар сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин. Тепадан ғарб томонда шаҳарча жойлашган. Шаҳарча тенг ярмидан шарққа қараб турган девор ва гумбаз билан ажратилган. Ғарб қисми ситадел вазифасини бажарган бу ерда 3 та сув хавзаси ўрни мавжуд бўлган. Бутун шаҳарча майдонида замонавий ер тўлалар казилган уларда қозоқлар яшаганлиги излари биланади.

Шаҳарда бозорлар оташхоналар хоммомқудуклар турар жойлар ва хунармандлар шаҳари мавжуд бўлган. Пахса қалинлиги ҳамма жойда бир хил эмас 110м дан 040м гача кўрғон деворлардаги миноралар йигирмата бўлганасосан мудофа вазифасини бажарган ва деворларни мустаҳкамлигини ҳам таминлаган. Деворлар таг қисми қалинлиги 6м гачам бўлиб юқори қисмига қисқариб борган юқори қисми 3м аскарлар ҳаракатланиши учун эса 2м ли йўлак қилинган. Қалага кириш қисмида майдон бўлган бу майдон тахминан 80м бўлган. Майдон асосан Хужумлар воқтида душман тарафга камон ўқлари билан хужумлар қилинган. Яна бир тахмин карвонларга қулай тўхташ жойини ҳам ўтаган.

V-VII асрларда Ўрта Осиёда бир томондан ерга эгалик қилиш муносабатларининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиб бориши иккинчи томондан кўчманчи чорвадорларнинг бетўхтов шиддат билан кириб келиши ва ўтроқлашуви шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси ва аҳолисининг турмуш тарзи-ю аҳволига жиддий таъсир кўрсатади. Зироаткор йерлар кенгайиб деҳқончилик воҳаларининг сув таъминоти тубдан яхшиланди. Тоғолди майдонларига сув чиқарилиб янги ерлар ўзлаштирилди. Шаҳарлар гавжумлашди. қишлоқларда




«кўшк» «қаср» «қўрғон» ва «қўрғонча» номлари билан Пештоқ остида турган шакллар тасвирланган осурий.

VI-VII асрлар шухрат топган истехкомли турар жойлар қад кўтарди. Кўшк қаср ва қўрғонлар кўпроқ йирик суғориш шохобчалари бошида марказий шаҳарларнинг теварак-атрофида ҳамда деҳқончилик воҳалари чегаралари бўйлаб жойлашган эди. Сув чиқарилиб обод этилган воҳалар бўйлаб катта-кичик қалалар майда қўрғончалар қурилади. Кўшк ва қасрли қўрғонларда мулкдор деҳқонлар қўрғончаларда эса зироатчи меҳнаткаш аҳоли яшар эди.

Истехкомли қаср қўрғон ва кўшклар асосан ташқи душман ҳужумига қарши мудофаа иншооти чоқарлар тўпланадиган жой мамурий марказ ҳамда озиқ-овқат ва қурол-яроғ сақланадиган омбор вазифасини ўтаган. Ўрта асрларда шаҳарлар уч қисмдан иборат бўлган. Улар «арк» «шаҳристон» «рабод» деб юритилган. Шаҳарларнинг учала қисми ҳам алоҳида-алоҳида деворлар билан ўраб олинган. Уларнинг бир нечта дарвозалари бўлган. Шаҳар деворлари бўйлаб оқиб ўтган анҳор хандақ вазифасини бажарган.

Қалага кирганда ички цитадел бозор расталари оташхона қудуқлар, ҳунармандлар шаҳарчаси яшаш уйлари жойлашган. Ички цитаделда асосан қирол яшаш уйлари оташгоҳлар ҳарбийлар яшаш уйлари қабулхоналар жойлашган. Бозорлар асосий ёллар туташган қисмида жойлашган. Расталар ёғоч устун билантикланган пахса деворлар билан ўраб қурилган том қисми қамичда ёпилган. Буюмларни сақлашга қўшимча омборхоналари ҳам бўлган. Қарвон орқали келган газлама озиқ-овқат темирчилик, заргарлик, қулолчилик барча турдаги ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш расталари бўлган.




Меҳнат куроллари яшаш учун темирдан фойдаланилиши энг аввало деҳқончилик техникаси ривожига тасир ўтказди. Темир учли омовлар темир болталар ва омовлар пайдо бўлди. Бу меҳнат куроллари катта-катта майдонларда зироатчиликни ривожлантиришга имкон яратиб берди.

Ўрта Осиёдан топилган энг қадимги темирдан ясалган буюмлар милоддан аввалги IX-VIII асрларга оид бўлсада улардан кўпи милоддан аввалги VIII-VI асрларга оиддир.

Ислон буддавийлик ва христианлик динлари дунёнинг жаҳоний динлари ҳисобланади. Шулардан энг қадимгиси буддавийлик милоддан аввалги VI-асрда Ҳиндистонда вужудга келган бўлса христианлик милоднинг бошларида Фаластинда энг сўнггиси – ислон дини эса ўзига 622 йилдан бошлаб Арабистонда ҳисоб очган. Бироқ бу динлардан ташқари жуда қадим замонлардан бошлаб миллий динлар ҳам мавжуд бўлиб улар қаторига Ўрта Осиё милоддан аввалги VII асрнинг охири ва VI асрнинг биринчи ярмида тўлиқ шакилланиб бўлган зардуштийлик дини ҳам киради. Милодий I - II асрлардан бошлаб Ўрта Осиёга Ҳиндистондан буддизм кириб келди. Бироқ унга қадар бу ўлкада зардуштийлик етакчи дин ҳисобланган. Ўрта Осиёда буддизмга давлат дини мақоми берилса-да зардуштийлик у билан ёнма-ён холда то бу ерда ислон дини тан олинганга қадар ўз кучини ёқотмади.

Тоҳаристон. Қалали-Кофирнигин. Буда ибодатхонаси интерери (Ибодатхона тарҳи аксонометрияси И.Р. Пичикян томонидан ишланган. Унинг ички кўриниши реконструкциясини муаллиф ва Абдужаббор Нозилов бажаришган).


Бу ўлкада ислон динигача турли хил ибодатхоналар барпо этилганлиги аниқланган. Бироқ улар орасида кўпчиликни ташкилэтадиганлари бу зардуштийлар ибодатхоналари –“оташқада” ва “оташгоҳ”лар ҳамда будда эҳромлари – “будқада”лардир. қишлоқлардаги ибодатхоналар “оташгоҳ” марказий шаҳарлардагиси эса “оташқада” деб юритилади.



Дастлаб оташкада маросим ва ибодатларни бажариш маскани бўлган. Аста – секин оташкадалар ибодат маскани бўлиши билан бирга ўзига хос жамоат маркази таълим тарбия ва марифат ўчоғи вазифасини ҳам бажарган. Бундан ташқари пойтахт шаҳарларда қад ростлаган оташкадалар ҳузурида мактаб дармонгоҳ (поликлиника) касалхона кутибхона қироатхоналар мавжуд бўлган. Зардуштилик ибодатхоналарининг “оташкада” ёки “оташгоҳ”

дейилишига сабаб шулки мазкур бинолар ичида муқаддас оловга сиғиниш учун махсус оташкад назарда тутилган.

Юқори Зарафшон. Гардани Ҳисор шаҳарчаси. VI-VIII асрларга оид меҳроб (Й. Якубов реконструкциясидаги нусха).



Оташкад одатда ибодат залининг ўртасига ёки зал деворининг биридаги муқаддас меҳроб – махсус алтар ёнида жойлаштирилган. Ибодат залининг тархиодатда квадрат айрим холларда доира шаклида ҳам бўлган. Ибодат зали квадрат шаклда бўлганда зал ўртасига чор устун ўрнатилган ва

улар оралиғидаги полга махсус тагкурси ёки супа ишланиб оташкад жойлаштирилган. Устунлар усти тўсинлар ва вассалар билан ёпилиб хосил бўлган шифт марказида тўйник қолдирилган. Базида ибодат залининг усти гумбаз билан ёпилган. Айрим ҳолларда ибодат залининг бир девоир ҳовли тарафга очилиб ҳовли зал интерери тўлиқ кўриниб турган. Залнинг қоган уч деворлари узун ёлак ва бошқа хоналар билан туташган. Далварзинтепа.


Зардуштилик динига оид оташкад (алтар) (Т.К. Мкртичев чизмасидан нусха).



Масалан Панжикентдан топилган иккита қадимий ибодатхона ана шундай тарҳда қурилган. Деворлар ҳайкаллар қўйиладиган токчалар ва рангли узун деворий тасвирлар билан безатилган. Ҳайкаллар зардуштийлик динининг маҳаллийилоҳлари – Анахита митра Сиёвуш ва бошқаларга бағишланган. Оташкадалар ҳовлисизҳовлили ва пешайвонли композитсияларда қурилган.

Зардуштийлик ибодатхоналарининг турли компазитсияларда бўлиши уларнинг шаҳар тизимидаги жойлашган ўрни ибодатхона таркибидаги хоналар сони ва функцияларига боғлиқ бўлган.

Оташқада қолдиқлари Хоразмдаги қаддимги жонбозқала қўйқирилган Тупроқ қалада Панжакентдаги икки нафаролов эҳромида Тошкент воҳасидаги қадимги Канка Ўзбекистон жанубидаги Ер қўрғон ва Жарқўрғон Бухоро яқинидаги Варахша шаҳарчаларидан ҳам топилган. Улардаги умумий ўхшашлик бу ўртадаги усти ёпиқ муқаддас олов жойлашган меҳробли хона ва унинг олдидаги ярим очик айвон бўлиб оловхона атрофидаги хоналар ўзаро ёпиқ рохров (коридор) билан туташган. Марказий Осиёда V-VII асрлардан бошлаб хона томини гумбаз билан ёпиш услуби юзага келади. Гумбаз IX асрдан бошлаб асосан диний ва ижтимоий (ҳаммом) иморатларда кенг қўлланилади. V-VIII асрларга оид Панжикент деворий суратларининг икки саҳнасида персонажларнинг суянчиқсиз курсида ўтирганлари тасвирланган. Саройлар ички интерерида турли ҳайкаллар деворий суратлар билан безак берилган. Буни V-VIII асрларга оид Болаликтепа мисолида ҳам кўршимиз мумкин. Саройда меҳмонларнинг дастурхон атрофида ўтирганлари тасвирланган. Бундай тантанавор залнинг ички кўриниши Л.И. Албаум реконструкциясида қуйидагича: Л.И. Албаум узунчоқ тузилишдаги кичкина хонани бир устун ва хари билан икки қисмга бўлади. Кичкина хонага учун ўрнатилиши хона яхлитлигини бўлади.



Варахша саройидаги “қизил хона” номли хонада тасвирлар уч қаватда (ярусда) ишланган. “қизил хона” реконструкцияси В.А. Нилсен томонидан маҳорат билан ёритилган. Хона тўрида томони очиқ кўшк ичига олинган тахт

тасвирини кўрамиз. Кўшк устунлари кариатида аёллар шаклида ишланган. Ранг-баранг матолар билан жиҳозланган тахт кариатидаги кўшк ва деворлардаги бадий безаклар қабулхона интерьерларига тантанаворлик бағишлайди.



Архитектуравий бўлим

Раҳбар:

Салимов О.М.

Битирувчи:

Абдухалилова М.Ғ.

Юган тепа комплексининг график реконструкцияси

Янги йўл туманидаги “Ниёзбош” шаҳарининг шарқий ҳудудида жойлашган “Юган тепа” шаҳрининг ҳозирги шаҳарсозлик ҳолатида тарихий ҳудуднинг тепаликлари кўплаб иншоотлари турли сабабларга кўра йетиб келмаган. Цитадел қала деворлари ҳам эволутсиён ўзгаришларга дучор бўлган. Уларнинг қадимий меморий ва режавий тизимлари унинг дастлабки кўриниши ҳам бошқача тус олган. Юган тепа тарихий шаҳарлиги унинг бизгача етиб келган меморий обидаларини қайта тиклаш сақлаш тамирлашга асосли хужжатларига эга бўлган ҳозирда мавжуд бўлмаган тепаликни тиклаш ўша даврдаги меморчилик маданиятни қайта тиклаб халга кўрсатиш тарихни ўрганиш билиш долзарб вазифадир.

Манбаларда архив хужжатларига кўра Юган тепа шаҳри қаласи ва шаҳристоннинг таснифлари унинг график (чизмаларда) қайта тиклаш имкониятини беради. Лекин ҳозирда тепаликдан асар ҳам қолмаган. Бутун шаҳар территориясини ғишт заводи сотиб олиб ҳозирда ундан фойдаланиб келмоқда. Бизнинг вазифамиз шу қадрият маданий меросларимизни қайта тиклаб келажак авлодга етказиб бериш.

Илмий тушунчалар ҳамиша ўзгариб келган давр талабига мувофиқ тобора мураккаблашган. Ёдгорлик тушунчасида ҳам ҳозирги замон тамиршунослиги бўйича икки томонлама: тарихий ва бадий қимматлар мавжуд. Ўз навбатида уларнинг таркибий жиҳатлари бор. Тарихий қиммат ўз ичига нафақат ўтмиш тўғрисида малумот берувчи қимматга эга. Балки ҳиссий қимматга ҳам эга. Бадий қиммат ўз ичига эстетик жиҳатларни қамраб олади. Меморий ёдгорлик қурилган даврни унинг ишлаб чиқариш даражасини муҳандислик билимларини ўзида акс эттиради. Ёдгорликнинг типологияси ўтмиш ҳаётнинг муҳимтомонларини акс эттиради. Жумладан маданий алоқалар тўғрисида қимматли малумотлар беради.

Юган тепанинг ҳозирги шаҳарсозлик ҳолатида тарихий ҳудуд турли сабабларга кўра ҳаробага айланган. Турар жойлар ҳам эвалутсион

ўзгаришларга дучор бўлган. Уларнинг қадимий меморий ва режавий тизимлари унинг дастлабки кўринишлари ҳам бошқача тус олган.

Юган тепа тарихий шаҳар эканини инобатга олиб унинг бизгача тепалик ҳолида етиб келган қисмини консерватсия қилиш муҳофаза қилиш ва имкон даражасида кўқалъамзорлаштириш долзарб вазифадир.

Манбалар архив ҳужжатларида берилган малумотлар қовунчи тепанинг дастлабки ҳолатини бутунлай бўлмасида график тиклаш имконини беради. қайта тиклашга етарли бўлган қадимий меморий иншоотларни шаҳарсозлик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда қайта тиклаш мумкин. Бу билан шаҳарнинг тарихий муҳитини асл кўринишга олиб келишга имконият тугилади. Шаҳарнинг меморий кўринишлари тархларини шу турдаги ёдгорликларни ўрганиш натижасида тамир лойиҳасини ишлаб чиқишнинг имкони мавжуд.

Қадимий шаҳарларга ҳос умумий белги уларнинг муҳофаа деворлари билан ўралганлиги ва девор атрофи сув тўлдирилган ҳандақ билан ҳимояланганлигидир. Деворнинг буржлари ва ўқ отиш учун махсус шинаклари ҳам бўлган. қалада ҳом ғиштдан қурилган катта сарой жойлашган. Шаҳар ичида ҳонадонлар савдо ва ҳунармандчилик марказлари бўлиган. Даврлар ўтиши билан шаҳар муҳофаа си мукамаллашиб бино – иншоотлар такомиллашиб ривожлана борган. Ислон даврига келиб оташгоҳ ва оташкадалар ўрнида масжидлар пайдо бўла бошлаган. Янги турдаги яни карвонсарой бозор чойхона ва ҳаммом каби бинолар қурилган.










Тарихий ҳудуднинг ҳозирги кифаси



**Юган тепа комплексининг умумий кўринишининг
дастлабки реконструкцияси**








**Юган тепа комплекси қиёфасини ўхшамалар (аналоглар)
асосида аниқлаш**



Шош тепа


Чоштепа кўчаси яқинида Ўзар кўчаси. Шаҳарнинг Зангиота мажмуи томон йўналишидаги чеккаси Тошкентнинг қадмий ўтроқ деҳқончилик маркази Шоштепа кўхна шаҳрида Жўнариқ ёқасида Ўзар кўчасида жойлашган. Мазкур илк шаҳар қасабаси ярим ертўла тарзидаги турар жойдан иборат бўлган. Қасаба аҳолиси жун ва кунжут толасидан газлама таёрлаш чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғилланган. Бир замонлар салбсимон тархли бино зардуштийлар ибодатхонаси бўлган баланд тепалик ҳозирга қадар сақланиб қолинган. Мазкур бино ундан янада қадимийроқ бўлган бино тағлигида милoddан аввалги II-асрларда барпо этилган. Барча иншоотлар ҳом гишт ва пахсадан қурилган. Тошкент шаҳрининг вужудга келиш санаси мазкур ёдгорлик бўйича белгиланади.






Чирчиқ ва Оҳангарон воҳаларида деҳқончилик эрта тараққий топиши натижасида ҳудудда шаҳарлашув (урбанизатсия) ҳам тезкорлик билан ривож топа бошланган. Ҳозирги Тошкентнинг ҳудудида бунганлиларнинг бир жамоаси Жўн ариғи бўйида қўним топган. Ўшда даврда Чочтепанинг умумий майдони 25 гектар атрофида бўлиб икки: ташқи ва ички манзилгоҳлардан иборат эди.

Дастлабки ички манзилгоҳ (150x120м милоддан аввалги VI-VII - асрлар) Тупроқ кўрғон билан муҳофазаланган эди. Кейинги ташқи манзилгоҳ Жўн ариғининг қарши томонида барпо бўлган. Чочтеанинг устки археологик қатлами эса Сирдарёнинг қуйи воҳаларидан кўчиб келган қовунчи маданиятига мансуб жамоалар фаолияти билан боғлиқ.





Қовунчиликлар маданияти шаҳар маданияти ҳисобланади. Улар ҳом ғишт ва пахсаданқурилиш ишлари олиб боришни юқори даражада эгаллашган эди. Улар милoddан аввалги II-I-асрларда Чочтепада қадимги бургакликларнинг қишлоқ ҳаробалари устида ҳомғиштли девор билан ўралган айлана тархли қала-қўрғон барпо этишган. Диаметри 50 метрдан ортиқ бўлган қўрғон деворининг ўртача қалинлиги 6.5 метр атрофида бўлиб ичида йўлак қолдирилган. Улардан ташқарига чиқадиган буржлари-дарвозалари бўлган. Деворда душмандан ҳимоя вақтида фойдаланиш учун шинаклар қилинган эди. Қўрғоннинг марказида 22 метр атрофида бўлган мурабба (квадрат) тархли

марказийбино жойлаштирилган. Бу бино ўртасида икки: бири кенгрок бошқаси торроқ зал эгаллаган. Уларни тўрт тарафдан раҳров (коридор) ўраб туради. Ундан марказий қисм томонларининг ўрталарида туташтирилиб қурилган тўрт чекка хоналарга ўтиш мумкин. Бинонинг ташқи ўлчамлари 30 метрдан ортиқдир. Чочтепа хоналарининг пардозида қизил ранг қўлланилганлиги унда деворий суратлар бўлганлигидан далолат беради. Бино кала-сарой вазифасини ўтаган бўлиши керак. У ибодатхона бўлган деган тахмин ҳам бор. Чочтепанинг янги жагал ўзлаштирилуви милодий III-IV-асрларга тўғри келади. Тошкентнинг кейинг ўрта асрлардаги ҳаётида ҳудуддаги етакчилик Чочтепадан Минғўриққа ўтади. XVI-асрга келиб эса Чочтепа бутунлай вайронага айланган.



Чочтепага Тошкент шаҳарнинг дастлабки қаласи сифатида қимматлидир. Унинг бунёд этилиши Тошкент микроҳоҳасида шаҳарлашув жараёни бундан 22 аср бурун бошланганлигидан Чочтепа кўп қатламли археологик ёдгорлик. Тошкент шаҳарҳудудида қад кўтарган энг қадимги

қишлоқ ва илк қўрғон Чочкатнинг ҳаробалари (милоддан аввалги VI - XVI - асрлар). Ёдгорлик Жунарикнинг чап ва ўнг соҳилларида жойлашган бири тик ва баланд иккинчи яссироқ улкан тепаликлардан иборат. Дастлаб туркистон археология тўғараги азоси Н.С. Ликошин томонидан қайд этилган Н.П. Остроумов археологик қазишлар ўтказган (1896); Г.В. Григорев текшиган (1934) Н.И. Крашенинникова (1956) Р. Дадабоев (1970) лар археологик кузатишлар олиб борган. 1978-йилдан Тошкент археология экспедицияси (В.И. Спришевский, М.И. Филанович) томонидан мунтазам археологик қазишлар ўтказилган.



Археологик татқиқо лардан малум бўлишича милоддан аввалги III-асрда Жан Урал ва Сарқий Орол олда минтақаларидан жанубга томон силжиган кўчманчи чорвадор қабилалар Чочкатни вайрон қабристонга айлантирганлар. Милоддан аввалги II-асрларда Шоштепа ҳаробалари устида атрофи қалин айланма декор билан ўраб олинган доира шаклидаги қала қўрғон қад кўтарган.

Шошнинг маданий қатламлари кўпдан-кўп ашёвий топилмалар қайт қилинди. Улар орасида уй-рўзгор буюмларихум хумча кўзатова фил суяги. Бу топилмалар милодий II-I – асрларга мансуб бўлиб Чочда қадимда хатсовод бўлгани ҳамда Шоштепаликлар карвон йўли Ўрта Шарқ мамлакатлари билан алоқада бўлганидан далолат беради.





Топилмалар кўчманчи дашт билан ўтроқ деҳқончилик асрлар давомида ёнма – ён яшаган ҳамда бир-бири билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган. V- аср ўрталарида чорвадор эфталиларниг жанубга томон силжиши оқибатида Шошда қадимдан оташпарастилик ибодатхонаси бўлган хоч шаклидаги марказий бино қабристонга айлантирилган. Гарчи шаҳарда қад кўтарган кўрғон тўлиқ шаҳар қиёфасида шакилланмаган бўлсада бироқ у Тошкент воҳасида шаҳарсозлик маданиятини шакилланиши ва ривож тарихини татқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга ёдгорлик ҳисобланади.

Юнусобод Оқ тепа

Юнусобод Оқ тепаси - ўрта аср археологик ёдгорлиги (V-XIII асрлар). Тошкентнинг шимоли-шарқий қисмида Оқ тепа канали бўйида жойлашган. 1886-йил В.П.Наливкин қайд қилган. 1940-41-йилларда А.И.Тереножкин қазишмалар олиб борган. 1975-йил ва 1977-85-йил Тошкент археология экспедицияси (М.С.Мершиев, М.И. Филанович) томонидан ўрганилган. Жанубий томони баланд ва тик тепалик кўринишдаги кўшкли кўрғон-қаср ва истехкомсиз қишлоқ харобаси. Майдон қарийиб 100 га. энг баланд қисми 21м. Кўшли кўрғон (86-180м) шимолдан жанубга томон чўзилган ва қишлоқдан чуқур жарлик билан ажратилган қазишмалардан малум бўлишича, V-асрларда қаср дўнглик устига уриб чиқилган пахса тапсурчида қад кўтарган. У узун ва кенг зинапояга ўхшатиб қурилган икки қаватли бунодан иборат бўлиб уни биринчи қаватини майдони 80х80 м ва юқори қаватининг майдони 50х50 м га тенг. қасрнинг ҳар икҚалъа қаватининг ичкари томонига узун йўлак-галерея бино қилинган ва ташқариси баланд девор билан ўралган. Ташқи девор ва томи равоқсимон қилиб ёпилган. Пахса блоклари (70х70х70см) ҳамда 48х24х10 см ҳажмдаги узун ҳом гиштлардан ишланган. Йўлаklar халқасининг кенглиги 2м баландлиги 2.3м. Устки қатор йўлаklar бурчакларида гумбазли думалоқ хоналар бўлиб улар ташқаридан доира шаклидаги минораларни ҳосил қилган. Квадратнинг ички қисми узун энсизтоми гумбазли хоналардан иборат бўлиб улар қатор йўлаklarга туташган. VII-аср бошларида тор хоналар тупрок билан тўлгазилиб мустаҳкам тагкурсига айлантирилган ва устига бинолар қурилган.қасрнинг тўрт бурчаги мустаҳкамланиб унинг жанубий-ғарбий қисмида майдони 22х22 м ли кичик бино қилингн.

Сақланиб қолган иморат қолдиқларига қараганда кўшк ҳам икки қаватли бўлиб унинг пастки қаватида ровоқли хоналар юқорида эса мулкдорнинг уй-жой ва меҳмонхоналари жойлашган. Кошқдан шимолроқда 10тача хоналар очилиб улар ибодатхона мажмуасидани борат бўлган. Кўшкнинг шарқий қисмида 9 та узун болахонали уйлар ковлаб очилиб


айримларининг ичида девор бўйлаб энсиз суппа орқа деворида ёруғлик дарчалари тўсин туйнуклари сақланган.






Оқ тепанинг қасрга ёндошган қисмида ҳам қазилар ишлари олиб борилиб қўрғоннинг ташқи девори ҳовли ва девор бўйлаб чокларлар учи қурилган турар жойлар қўшқа томон йўланган қўтарма йўлнинг бир қисми ва дарвозахона олди иншоотлари қўвлаб очилган.

Қазилар жараёнида сопол бўйум бўлақларидан ташқари тош суяк металлдан ясалган қурол-ярқ зеб-зийнат жумладан темир пичоқ қанжар болта ўроқ уч парракли ўқ пайконлари ва ҳоказолар топилади. Топилмалар орасида нуроний муйс тасвири терракота айниқса диққатга сазовор. Шунингдек V-асрдаги маҳаллий ҳунармандларнинг қумуш тангалари 12 та дирхам ҳамда сурд ёзуви мис танга қайд этилган.





Мингўрик


Шимолий вогзал яқинида Саййид Барака ва Моштабиб кўчалари оралиғидаги даҳа. Ҳозирги Тошкент ҳудудидаги энг қадимий шаҳар тузилмаси бугунги кунда Барака ва Моштабиб кўчалари ўртасидаги баланд тепалик (15 метр) ҳисобланади. Энг юксак ривожланиш даврида VII-VIII-асрларда бу ерда “Чоч мадинаси”- қадимий Тошкент мавжуд бўлган. У мустаҳкам қала бўлиб унда баланд қасратрофида эса қала билан ўралган шаҳар жойлашган. Ўша замонда шаҳар эгаллаган майдон 35 гектарни ташкил этган. Мингўрикнинг сақланиб қолган кичик бир қисми ярим доирасимон минорали квадрат тарзидаги бинодан иборат. Ҳозир мазкур объект жадал археологик қазишмалар ва тамирлаш ишлари олиб бориляпти. Ёдгорлик ҳудуди келгусида очик осмон остидаги археологик хиёбон сифатида қайта курилади.



Қадимги шаҳар харобаси (I-X II -асрлар) маҳаллий аҳоли ўртасида Афросиёб тепалиги номи билан ҳам машҳур бўлган. Минора қаср ва шаҳристоннинг тепаликка айланган ҳудудидан иборат. Тошкент темирўл вагзали яқинида Салар канали соҳилида жойлашган. Шаҳар харобаси ўрнида XIX-асрда ката ўрикзор бўлганлиги учун шундай аталган. Ҳозир шаҳар қурилиши муносабати билан ёдгорликнинг маданий қатлами бузилиб кетиши натижасида Минғўрикнинг бир қисмигина сақланган. 1-март 1896-йил Э.Т. Смирнов Н.С. Ликошин томонидан кейин 1912-йил А.И. Добросмислов Туркистон археология хаваскорлари тўғарағи азолари томонидан қайд қилинган. XX-асрлар М.Е. Массой археологик кузатиш ишлари олиб борилган. 1-қазилма ишлари Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих ва археология институте томонидан ўтказилган. 1968-йилдан Тошкент археологик экспедицияси давом эттирган. Бу ишлар натижасида шаҳристон 15 га арк 0.5 га майдонлари шаҳар ҳаётининг 3 асосий босқичини аниқлаган. 1-босқич I-IV-асрларга мансуб бўлиб ички турар жой комплексини муҳофаза қилган узун йўлакки қўшқатор қала деворлари қолдиғи топилган. Девор ташқарисида ўнга ёндоштириб қурилган тўртбурчак бурж ва мулалар бўлиб уларнинг ораси 12 м га тенг бўлган. 2-босқичда V-VI-асрлар шаҳар тер сурада ривожланиб аҳоли сони ошиб бориши натижасида мустаҳкам арк ва шаҳристонга энг йирик шаҳар марказига айланган.




VI-аср охирида шаҳар чочнинг пойтахти бўлган. Араб манбаларида тилга олинган “Мадинат аш-Шош” шу ёдгорликнинг айнан ўзи деб ҳисобланади. 3-босқич VII- VIII-асрлар Араб халифалигининг Чочга юриш арафасида энг юксалган давр бўлган. Барча меморий қурилиш услублари комплекси ички безакларда хашаматли деворий тасвир ва нақшлардан фойдаланиш уй рўзгор асбоб-ускуналари идишлар Минғўрикнинг умум суғд маданияти асосида Суғд Фарғона ва Ўрта Осиёнинг бошқа жойлари билан мустаҳкам алоқада ривожланганидан далолат беради. Шу билан бирга шаҳар турмуш тарзида кўчманчи қабилаларнинг тасири катта бўлган.




Шаҳар қурилиши кенгайиб борган сари қала деворлари торлик қилиб унинг харобалари устига шаҳристон уйларига нисбатан салобатли сарой қаср комплекси-Чоч ҳукмдорларининг саройи қурилган Саройда супа ва нақшкор устунли ҳашаматли хоналар ва ибодатхоналардан ташқари қўшимча хоналар ҳам бўлган. Бу даврда Чоч ўлкаси Турк хоқонлигига тобе бўлган.

Манбаларда қайд этилишича мусиқа ва рақс санати айниқса юксак поғонага чиққан. VIII -аср бошларида Чоч пойтахти араб халифа истилочилари томонидан вайрон қилиниб харобага айлантирилган.

Тошкент воҳасида ўтроқ дехқончилик ва илк шаҳар маданияти қадимий бўлишига қарамай шаҳарнинг ўз тарихи милоддан аввалги I-аср охиридан ёзма манбалар ва ҳозирги шаҳар ичидаги қадимги шаҳар харобаси сақланиб қолган вақтдан бошланганини кузатиш мумкин.





Мингўриқдаги иншоат кирувчи маданияти мажмуаси каторида олов ва қуёшга этиқод қилишнинг асосий диний маркази сифатида Талас ёдгорликлари сирасига киргандеган таасурот туғилади. Археологик ташқиқотлар Қовунчи маданияти анаалари жануб ва ғарбга тарқалганини тасдиқлади. Ўша вақтда бу маданият мажмуаси вакиллари билан бирга оловга сиғинувчиларнинг қасрлар қуриш тамойилларини Бухоронинг шимолига олиб ўтганлар.

Чоч тўғрисида шикоя қилувчи илк ёзма манбалардан бири Хитойнинг ката Хан сулоласининг йилномалари шисобланади. Мазкур салномани Хитой элчиси Чжан Тсизян аввал хунлар қўлида ўн йил асирликда кун кечирган.



Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёда асрлар бўйи одамлар меҳнати билан обод бўлиб, неча-неча авлодлар меҳнати билан чўл-биёбонлар боғ-бўстонга айлантирилган., кум саҳроларида шаҳарлар барпо қилинган. Турли даврларда бино бўлган мухташам бинолар, иншоотлар халқ меҳнати ва донолигининг рамзи бўлиб турибди.

Агар биз узок ўтмишга, кекса тарихга фикран назар ташласак, ер юзида қандай ўзгаришлар пайдо бўлганлигини, одамлар ўзлари ҳам қанақа ўзгарганлигини, бир хил эски мафкура ўрнига бошқаси , ёшини яшаб бўлган бир хил эски ижтимоий тузум ўрнига гуриллаб янгисини келганини тасаввур қиламиз, бунга сабаб, археологларимиз томонидан уларнинг серкашфиётлиги билан кишини ўзига жалб қиладиган ғоят мароқли касбларидир.

Маълумки, археологлар “тарих” деб аталадиган катта китобнинг янги саҳифаларини варақма-варақ очадилар. Республикамизнинг шонли тарихини тарихшунос-археологлар тиклайдилар. Ўзбекистонда қадим-қадим замонлардан маданият ўчоғи бўлиб келган, унда яшаган халқлар, ҳозирги ўзбек халқлари жуда катта тарихий йўлларни босиб ўтганлар.

XX асрнинг охириги йилларида археологлар ва тарихчи олимлар Тошкент атрофидаги жойларда ғоят муҳим қазилар ишлари ўтказганлар, жумладан: бутун дунёга машҳур М.Е.Массон, Г.А.Пугаченкова, Я.Ғ.Ғломов, А.Асқаров, М.И.Филанович, М.Т.Аминжонова, В.Л.Вяткин ва бошқалар.

Ўрта Осиё тарихини ҳали яқиндагина чинакам ўрганиб чиқа бошлади десак ҳам бўлади, бунга сабаб, тарихни яхши ўрганилмаган вақтларда, буржуа олимлари Ўрта Осиёдаги давлатлар қадимги Шарқ маданиятидан ажралиб яшаган, Ўрта Осиё халқларининг ўз маданияти бўлмаган, улар тупроғидан топилган нарсаларнинг ҳаммаси четдан келтирилган, ҳеч қайсиси ўзлариники эмас, деб даъво қилар эдилар. Лекин, қазилар ва текширишлар натижасида бутунлай бошқа манзаралар рўй берган.

Археолог олимлар томонидан олиб борилган қидиришлар Ўзбекистон халқларининг маданий тараққий этганини тасдиқлайди. Бунга мисол ўзбек олимлари томонидан олиб борилган тарихни тасдиқловчи қадимги ёзувлар, буюмлар ва бошқа археологлар томонидан топилган осори-атикалар орқали тараққиёт йўлини босиб ўтган мустақил фан бўлиб етишган археология фанидир.

Машҳур археолог олим Ю.Ф.Буряков томонидан Тошкент воҳасида олиб борилган тадқиқотларидан маълумки, археологик обидалар асосида кўп йиллик тадқиқот якунларини баён қилиниб, унда археологик материаллардан ташқари ўрта аср тарихчи ва географларининг ёзма манбаларидан, кўплаб афсоналардан ҳам кенг фойдаланилган.

Ўзбекистон археологлари томонидан олиб борилган изланишлар натижасида ўрганилган маданий ёдгорликлар, асосан тупроқ қатламларини жуда эҳтиёткорлик билан кетма-кет олиб ташлаш орқали аниқланган. Қазил ишлари натижасида маданий қатламлари бир неча аср, ҳатто минг йиллар давомида ташкил топган одамларнинг уй-жой қуриш учун ишлатган қурилиш ашёларига ҳам боғлиқ бўлган.

Ўзбекистонда асосий қурилиш ашёлари лой (пахса, ҳом ғишт) бўлганлигидан маданий қатламнинг қалинлиги бир неча метр, ҳатто 30-40 метргача қалинликда бўлган. Бизлар кўрган ва олиб борган кузатувлар натижасида Югантепа (объекти)да қадим замонда бирон фалокат юз берганлиги сабабли бўлса керак, тўсатдан кишилар яшаш ҳаёти, шаҳар тепалигини ҳаробага айланган.

Муаллифлар битирув лойиҳа иши устида изланишлар олиб боришаётганларида маданият, архитектура ва санъат ёдгорликларига катта эътибор беришдилар.

Маълумки, Ўзбекистонда ўзбек халқининг маданий меросини сақлашга жиддий аҳамият берилмоқда. Мустақиллик йилларида давлат ташкилотлари ҳамда Ўзбекистоннинг маданий ёдгорликларини сақлаш Бош Бошқармасининг ҳаракати билан жуда кўп ажойиб архитектура ва тарихий-маданий

ёдгорликлари қайта тикланиб, тамомила хароб бўлиб кетишидан сақлаб қолинмоқда.

Бевосита қадимий шаҳарларда махсус қайта тиклаш муассасалари ва устахоналарининг ташкил қилиниши шу тарихий шаҳарларни ривожлантириш Бош режаларини тарихий ва архитектура ёдгорликларини сақлаш, уларни келажак авлодга кўрсатиш ҳамда улардан шаҳар архитектурасида фойдаланиш муаммолари билан боғлаб олиб боришга имкон беради.

Тарихий ёдгорликларни сақлаш ва тиклаш уларни асл ҳолатига келтириш ишларини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан чиқарилган бир қанча қонун ва Низомлар қабул қилинган. Охирги йилларда чиқарилган қарорлар Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги маданий ва археология ёдгорликларни сақлаш ва тиклаш ишларини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон халқининг кўп асрлик тарихи халқимизга Ўзбекистоннинг ғоят улуғ олим ва мутафаккирлари, тарихчилари ва географлари ҳамда сайёҳлардан мерос қолган кўпдан-кўп қўл ёзмалар асосида тикланди ва тикланмоқда. Ўзбек халқи тарихини саҳифама-саҳифа очишга олимлар ёрдам бермоқда, улар моддий маданият ёдгорликларига қараб, ҳали ёзуви бўлмаган замонлар тарихини ҳам тиклаб беришмоқда.



КОНСТРУКТИВ БЎЛИМ

Битирувчи: **Абдухалилова М. Г.**
Раҳбар: **Салимов О.М.**
Маслахатчи: **Юсуфхужаев С.**

Тошкент - 2015

Конструктив бўлим

Диплом иишининг конструктив бўлимида Юган тепа шаҳаридаги бино ва иншоотларда қўлланилган ёпмалар деворлар қалъа деворларига оид масалалар кўриб чиқилган.

Асосий қурилиш ашёси сифатида олдинги даврдагидек пахса, хом ғишт бўлган. Пишиқ ғишт ва тош айрим ҳоллардагина қўлланилган. Иншоотларда кўпроқ устун-тўсинли конструкциялар қўлланилган. Панжикент устунлари ҳам антик ордерларида бўлгани каби устун каллаги, ўзаги, кузаги ва кўрсидан иборат бўлган. Кузакнинг диаметри кўрснинг баландлиги тенг 32 см ни ташкил қилган. Кенг миқёсида йўлаклар ва шу каби биноларнинг бошқа қисмлари тоқ билан ёпилган.

Тоқлари кўпроқ тик бўлакли ва қия бўлакли хилларда бўлган. Иккала ҳолда хом ғишт ён томони билан ётқизилган. Тик бўлакли тоқда ғишт вертикал ҳолатда қўйилган. Қия бўлакли тоқда ғишт қия ҳолатда ишлатилган. Баъзи тадқиқотчилар гумбазларнинг (сохта вариантларининг эмас ҳақиқийларининг) пайдо бўлишини VI асрга бориб тақайдилар. Мисол тариқасида Тошкент Юнусобод Оқтепасини келтирилади. Ш.Пидаев гумбазнинг Марказий Осиёда дастлаб қўлланилган вақт сифатида V асрни кўрсатади.

Гумбазларнинг муҳим қисми гумбаз остидаги оғирликни деворга ўтказиб берувчи унсурдан (қанослардан) иборат. Дастлаб қанослар перспектив равоқлардан иборат бўлган. Аксари қанослар баландлигида хона саккиз ёнликни ташкил қилган. Ундан фарқли ўлароқ хона деворлар баландлигида тўртёнликдан иборат бўлган.

Меъморлик иншоотларида санъат турлари синтезлашган эди. Бу ўринда кўпроқ деворий суратлар кенг қўлланилганлигини таъкидлаш зарур. Панжикент, Варахшоҳ, Самарқанд, Афрасиёб, Минг Ўрик Афрасиёби

(Тошкент) иншоотлари деворий суратлари бунга мисол бўлади. Суратларнинг аксари сюжетлидир.

Суратлардан ташқари бошқа безак турлари ҳам қўлланилган, чунончи-ёғоч ўймакорлиги (Панжикентдаги қиз-қариятидан шаклидаги устун), ганч ўймакорлиги (Варахшоҳдаги нақш, зооморф шакллар-беданалар қатори), ишлатилган.

Бу давр меъморлигини аввало заминдорлар-деҳқонларнинг кўшклари билан характерланади. Бундай тўғрисида Абу Райҳон Беруний маълумот берган. Аксари, улар сунъий тепаликда-платформада паҳса ва хом ғиштдан қурилган, мустаҳкам деворлар билан ўралган деҳқонларнинг майда-йирик манзилгоҳ иборат бўлган.

Кўшклардан ташқари ибодатхоналар, бошқа турдаги иморатлар кўплаб барпо этилган. Меъморликда тўрт устунли хонадан архитектурасини (дастлабки ёрқин кўриниши нисодан “Квадрат зал”) такомиллаштириш ишлари давом эттирилди. Бу айниқса Панжикент уйларида яхши намоён бўлади.

Кўшклар Марказий Осиёнинг турли минтақаларида қурилган.

Марвда қурилган Катта Қиз қалъа ва Кичик Қиз қалъа тузилиши жиҳатидан ўхшаш. Кичик Қиз қалъанинг тарҳда деярлик квадратининг ташкил қилади. Томонлари 20 м дан ортиқ. Икки қаватли. Ўртаси-ҳовли. Иккинчи қаватнинг ташқи девори пилтали (ярим цилиндрли) шаклда барпо бўлган.

Сурхондарё водийси ҳам VI-VIII асрларда саройларнинг нафақат кўшк типи, балки кад типи ҳам ривож топди. Улар аксари очиқ жойларда, хом ғишт ва паҳсадан сунъий тепаликда қурилган. Сурхондарёдаги Б о л а л и т е п а кади режаланиши жиҳатидан марказий композицияга эга. Каднинг четларида узун хоналар жойлашган. Иншоот ўзининг деворий суратлари билан машхур. Уларда базм тасвири берилган. Тахминларга кўра тасвирлар кейинчалик Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида баён этилган ҳалқ ривоятларидан лавҳа (воқеа) акс этдирилган.

Калъан Кофирнижон (VII-VIII асрлар) ёдгорлиги мисолида бу даврдаги Таҳаристон турар уйлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Тошкент энг илк ўрта асрларга оид археологик ёдгорликлар мавжуд. Бир неча бундай тепаликлар Оқтепа деб аталади. Улар ичида Юнусобод Оқтепаси ўзининг катталиги, нисбатан яхши сақланганлиги ҳамда унда Ўрта Осиёда дастлабки гумбазлардан бири қўлланганлиги билан ажралади.

Хоразмда Беруний пойтахт яқинида Искандар Макдунийдан 660 йил сўнг Хоразм шоҳи Африғ пойтахт яқинида кўшк курдирганлиги тўғрисида хабар берган. Уни таснифи айнан Хоразмдаги Якка парсон кўшк тўғрисида кетаётгандай туюлади. Якка парсонда ҳам томонлари нишабли супага (платформага) қурилган кўшкка тахминан 20 м наридан ўтган буржлари айлана шаклларда бўлган қўрғон деворлар кўтарма кўприк орқали ўтилган. Иккинчи девор биринчидан 10 м наридан ўтган эди. Учинчи девор қолдиқлари 40-45 м наридан топилган.

Панжакентда олиб борилган кезувлар энг илк ўрта асрлар меъморлигига оид бой материал берган. Шаҳристонда каттагина жойда турар уйлар ва ибодатхоналар ўрганилган.

Панжакент маҳалларида олиб борилган кузатувлар катта ва кичик уйларни тузилишида умумийлик борлигини кўрсатди. Кўп уйларда зина борлиги уларнинг икки қават бўлганлигидан далолат беради. Катта ва кичик, яъни камбағал ва бой Панжакентларнинг уйларида мурабба тархли тўрт устунли хоналар уйларнинг асосий хонаси бўлган. Тахминларга кўра улар меҳмонхона вазифасини ўтаган. Хона деворлари бўйлаб кетган супа кираверишнинг (“паст”нинг) қаршисида кенгайиб меҳмонлар ўтирадиган жойни (“тур”ни, “юқори”ни) белгилайди.

Панжакентнинг хоналарида уйда ибодат қилинадиган жойлар бўлган. Бундай ибодатхоналаридан бирида кираверишининг чап томонида икки токча билан белгиланган. Токчанинг бири устунли равоқ билан ажратилган.

Пажакентда иккита: катта ва кичик ибодатхоналар бўлган. Иккала ибодатхонада ҳам олди очик кенг айвонга ўртасида тўрт устунли айвон

туташган. Унинг орқасида кўндаланг йўналишда ибодатхонанинг асосий-муқаддас хонаси жойлашган.

Панжакентда аҳристон атрофида Зардуштийлик динига мансуб бўлган навлар-ўлган одам суякларини махсус сопол қутиларда сақлаш учун қурилмалар бўлган. Уларни дастлабки мақбаралар дейиш мумкин.

Қирғизистондаги Оқ Бешим ибодатхонаси буддаий динига мансубдир. Унда Марказий, квадрат тарҳли хона икки ён ва орқа томонларидан узун йўлаклар билан қуршалган. Киравериш пештоқсимон қурилма ва унинг орқасидаги кенг айвон билан ажратилган.

VI-VIII асрларда Марказий Осиё меъморлигида кўшклар, қадлар каби олдинги даврларникидан фарқладиган турар уй-жой меъморлиги ишлаб чиқилди. Тўрт устунли зал меъморий мавзу Панжакент меҳмонхоналарида ўз давомини топди. Ибодатхоналар меъморлигида иншоот қайси динга мансуб эканлигидан қатъий назар умумий жиҳатлар (симметрия, кираверишни кенг айвон билан ажратиш ва бошқалар) пайдо бўлди.

Юган тепа шаҳрининг график реконструкциясини аниқлашда тасвирланган бин ова иншоотларнинг ёпмалари ката аҳамиятга эга. Аркдаги бинолар ёпмаси ясси кўринишга эга бўлган. Яни уларда устун-тўсинли конструкция қўлланилган. Аркнинг деворлари пахсадан бўлган. Арк ичидаги биноларнинг деворлари синч ёғочдан ишланган. Қўрғон деворнинг ташқи тарафида кунгаралар бўлган. Улар душмандан ҳимоялашга мўлжалланган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.А. Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Т., 2009.
2. М.Аминжонова. Рассказы о древних памятниках. Т.1972.
3. М.Аминжанова, Г.Желтова. Из истории прошлого народов Узбекистана. Т. 1972.
4. А.А.Зияев. Ташкент Т.1.2.3. Изд. “Санъат”., Т., 2007.
5. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1 жилд. А.Асқаров таҳрири остидаю Ўзб.ФА. Фан нашриёти. Т.1992.
6. Ю.Ф. Буряков. Тошкент воҳасининг қадимий қарвон йўллари.Т.1978.
7. Ю.Ф. Буряков. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса. Т.,1975.
8. Г.В.Григорьев. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе в 1934г. Т.,1937.
9. Д.А.Нозилов. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. Т.,2005.
- 10.Алимов Ў. Ўрта асрларда Маворауннахрда боғчилик хўжалиги тарихи. Т.,1984.
11. Асқаров А. Энг қадимги шаҳарлар. Т.,2001.
12. В.И.А. Т.1., М., 1970.
13. Жилина А.И. Жилина народов Средней Азии и Казахстана. М., 1982.
14. История народов Узбекистана. Т.1. Т.,1950.
15. Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. М.,1050.
16. Манакова В.Н. Художественная культура народного жилища Узбекистана. Т., 1990.
17. Бакиев И., Массон В.Е. Археологические разведки в районе Ташкента. Труды САГУ им. В.И. Ленина. Вып. 81. Ташкент. 1956 г.
18. Буряков Ю.Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Ташкент.1975г.
19. Буряков Ю.Ф. Городище Минг – урюк в Ташкенте. Труды САГУ, вып. Т.. 1975 г.
20. Зильпер Д.Г. Дворцовый комплекс городища Минг-Урюк в Ташкенте. В сб. История и археологии Средней Азии. Ашхабад. 1978. г.

